Истиқлол одимлари

# ОЛТИНТОПАРЛАР ЖАСОРАТИ

Шу йилнинг сентябрь ойида Навоий тоғ-металлургия комбинати ташкил этилганлигининг 40 йиллиги нишонланади. Бу сана мустақиллигимиз 7 йиллиги байрами билан уланиб кетаётгани янада қувончлидир.

**«Жаҳон андозалари даражасидаги ва ҳатто ундан ҳам устунроқ янги ноёб технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича сиз амалга ошираётган ишлар бутун мамлакатимиз учун намунадир»** — деб баҳо берганди Президентимиз Навоий тоғ-кон металлургия комбинати жамоасига 1997 йил якунлари муносабати билан йўллаган табрикномасида. Бугун биз навоийлик despre кончилар ҳақида мухтасар сўз юритмоқчимиз. Бу қуруқ гап эмас. Олтинтопарлар ҳақиқатан ҳам жасорат кўрсатмоқдалар.

Мамлакат саноатининг фахри ҳисобланган бу корхона ўтган йили олтин ишлаб чиқариш ҳажмини давлат буюртмасидан ошириб бажарди. Кўп ноёб маъдан қайта ишланди. Кумуш ишлаб чиқариш бирмунча ўсди. Мустақилликнинг биринчи йилига нисбатан йиллик олтин ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Энди ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг. Комбинатда ишлаб чиқарилаётган бу ноёб металлар жаҳондаги энг арзон технология ва усуллар зиммасига тўғри келаяпти. Сифатини айтмайсизми? Халқаро стандартлар бўйича фақат Қизилқум олтинигина 4 та 9 рақами билан баҳоланади.

Собиқ Иттифоқ даврида Болтиқбўйи республикалари бор-йўғи иқтисодий мустақиллик талаби билан чиққан пайтларни бир эсланг. Ўшанда Эстония Республикасининг собиқ ҳукумати, Шўролар ҳокимияти ўрнатилмасдан аввал Франция банкига қўйиган 3 ярим тонна олтин ёмбиси кимга — Иттифоқ ҳукуматигами ёки Эстонияга тегишли эканлиги тўғрисида тортишувлар бўлганди. Ўшанда Эстон ҳукумати ва халқнинг қувончи тўғрисида матбуотда кўп ёзишди.

Қизилқумнинг биринчи олтин қуймаси олинган кундан бошлаб қанча вақт ўтган бўлса, шунча вақт Мурунтов олтини чиқиб турди. Бу иқтисодий куч-қудрат иттифоқ манфаатларига бўйсундирилган эди. Нима бўлганда ҳам, комбинат ноёб металлар ишлаб чиқариш қувватини йилдан-йилга ошириб борди. Одамлар ишлади, улар ғоят қийин ва шарафли жасорат солномаларини яратдилар.

Мустақилликка эришилгач, собиқ Иттифоқдаги иқтисодий парокандалик бу ерда содир бўлмади. Аксинча, комбинат тараққий этди. 1995 йилда Учқудуқда 3-гидрометаллургия заводи ишга тушди. «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси тилла бера бошлади.

Ҳукуматнинг Жерой (Кўкпатас) фосфорит конини ўзлаштириш топшириғи бажарилди. Фосфор рудасини қайта ишловчи 1-технологик мажмуа қурилиши ниҳоясига етди. Йилига 300 минг тонна руда қазиб олувчи карьер бунёд этилди. Комбинатнинг 2-руда бошқармаси фосфорни бойитиш фабрикасини қуриб битказди. Фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишлай бошлади. Бу мамлакатимизнинг фосфорит мустақиллигини тўлиқ таъминлайди.

Комбинатда силлиқланган мармар плиталар ишлаб чиқариш нисбатан янги соҳа ҳисобланади. Тошга ишлов берувчи юқори унумли технологиялар жорий этилиши натижасида бу ерда мармарга жило бериш энг замонавий даражага етказилди. Комбинатга қарашли «АГАМА» давлат трикотаж фабрикаси ва заргарлик заводи маҳсулотлари мамлакатимиздан ташқарида, хусусан, Ҳамдўстлик давлатларида ҳам машҳур.

Ўтаётган ҳар бир кунимиз комбинат тарихига ажойиб солномалар битмоқда. Бу солномалар кўп ва хўб бўлғусидир.

**Парда ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ВОҲАНИНГ ЯНГИ ҲАЁТИ

***Қашқадарё — Ватанимизнинг азалдан шавкатли заминларидан бири бўлса-да, унинг ҳақиқий қадр-қиммати, мавқеи Истиқлол йилларида юзага чиқди. Қадимий Кеш, Насаф, Косон, Ғузор ва бошқа ўнлаб шаҳарларнинг тарихий шуҳрати бор бўйи билан тикланмоқда. Буюк бобокалонимиз Амир Темурни дунёга берган Шаҳрисабзда машҳур Оқсарой атрофида тарихий зиёратгоҳ барпо этилиб, бу ерда соҳибқироннинг чўнг ҳайкали қад кўтарди. Шаҳрисабз Амир Темур ордени билан мукофотланганлиги улкан маънога эга.***

Бу вилоят ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида етакчи ўрин эгалламоқда. Ўзбекистон халқининг кундалик эҳтиёжига айланган табиий газнинг кўп қисми ана шу ерда ишлаб чиқарилади. Толлимаржон ГРЭСи, Муборак гази, Шўртангаз, Кўкдумалоқ нефть конларининг ўлкамиз иқтисодиётидаги салмоғи бебаҳодир.

Шўртанда йирик газ-кимё мажмуи қурилиши қизғин давом этмоқда. Бу йирик корхона ишга тушгач, бир йилда бирнеча миллиард куб метр газни қайта ишлаб, 125 минг тонна полиэтилен, конденсат ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Шўртанда бугун истиқболимизнинг ўзига хос фарзанди бўлган янги шаҳарча туғилмоқда. Шўртан газ-кимё иншооти қурилишига 600 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланиши кўзда тутилган.

Вилоятда транспорт, алоқа, электр энергияси тармоқлари ривожи учун ҳам катта ишлар қилинмоқда. Бу ерда бошланган Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл қурилишининг минтақа иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти жуда каттадир.

Хуллас, Истиқлол туфайли воҳанинг иқтисодий салоҳияти тобора бор куч-қудрат билан намоён бўлиб, йил сайин барқ уриб ривожланмоқда.

Шу йилнинг 3 июнь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз раҳбарининг иштирок этиши воҳа меҳнаткашлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Мазкур кенгашда вилоятнинг ҳозирги ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммолари атрофлича таҳлил этилди. Президентимиз сессияда чуқур мазмунли, воҳадаги ҳаётнинг барча ҳақиқатларини ошкора кўрсатиб берган маъруза билан чиқди. Ана шу маъруза вилоят ҳаётида янгича туб ўзгаришларнинг бошланишига олиб келди.

Қашқадарё воҳаси меҳнаткашлари Истиқлолнинг еттинчи йилида алоҳида бир кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Пиллакорлар юксак меҳнат натижаларини қўлга киритдилар. Қашқадарё ғаллакорлари эса мамлакат дон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилиб, бу йил қабул пунктларига 330 минг тоннага яқин ғалла етказиб бердилар. Бир қанча хўжаликларнинг уста деҳқонлари гектар бошига 40-45 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлдилар. Воҳанинг кўпгина туманларидаги далаларда ғўзаларнинг бўлиқлиги, кўсакларнинг тўқ ва шиғиллиги «оқ олтин» ҳосилининг ҳам баракали бўлишидан далолат бериб турибди.

Вилоятда маънавий ҳаёт, маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш тизимларида ҳам чуқур ислоҳотлар юз бермоқда. Ҳаёт ва турмуш тарзи янгиланмоқда. Воҳа аҳолисининг тафаккурида замонавий иқтисодий қарашлар, тадбиркорлик тамойиллари мустаҳкам ўрин тутиб бораяпти. Деҳқон хўжаликларининг кенг ривожлана бошлаганлиги, оилавий пудрат, фермерлик ҳаракатларининг дадил равнақ топаётганлиги ва бундай фаолият турларига вилоят ҳамда туман ҳокимликлари томонидан эътиборнинг тобора кучайтирилаётганлиги Қашқадарёдаги ҳозирги иқтисодий ҳаётнинг муҳим жиҳатларидир.

Вилоятда, шунингдек, чет эл сармояларини жалб этишга қизиқиш катта, ҳамма туманларда қўшма корхоналарнинг сони кун сайин ортиб бораяпти. Ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялар асосида янгиланиши, хилма-хил экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қизиқишнинг кучайиб бораётганлиги қувонарлидир.

Воҳада Истиқлол туфайли бошланган янги ҳаёт, улкан саъй-ҳаракатлар, бунёдкорлик фаолияти ва фидокорона интилишларнинг келажаги порлоқдир.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

**1993 йилда қишлоқларда 6,5 мингга яқин мустақил фермер хўжаликлари ташкил топди.**

* * *

**1994 йилда қишлоқларда кичик корхоналар сони 22 мингтадан ошди.**

* * *

**1995 йилда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 105,8 фоизни ташкил этди.**

* * *

**1995 йил 25 май. Олтин қазиб чиқаришга ихтисослашган «Зарафшон- Ньюмонт» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ишга туширилди.**

* * *

**1996 йил 19 июль. Асакада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси тақдимоти бўлди. Шу йили «Кобул — Тўйтепа —Текстайл», «Ўзсаламан» қўшма корхоналари иш бошлади.**

* * *

**1997 йил 22 август. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди.**

* * *

**1998 йилда Қизилқум фосфорит комбинати маҳсулот бера бошлади.**

* * *

**1998 йилда ўтган йилдагига нисбатан 300 минг тонна кўп ғалла тайёрланди.**

*Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат — Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир.*

* * *

*Дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ. Ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ҳам дунёда топилмайди.*

**Ислом КАРИМОВ.**



### ЭЪТИРОФ

«Ўзбекистон ўзининг 7 йиллик тўйини ислоҳотларнинг ҳавас қилгудек натижалари билан кутиб олаяпти. Мамлакат халқаро ҳамжамият билан интеграция алоқаларини фаоллаштириб, давлат иқтисодий мустақиллигининг тўла таъминланишига эришмоқда.

«Тараққиётнинг ўзбек модели»нинг кўзга яққол ташланадиган ўзига хос ва менинг кўнглимга ёқадиган жиҳати — бу, ОСОЙИШТАЛИКдир».

**Димо ПЕТРОВ, «VENO LTD» холдинг фирмаси Президенти (Болгария).**

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МАНЗИЛ

Кейинги йилларда Наманган шаҳри чирой очиб, ёшариб бормоқда. Шаҳарнинг жанубий қисмида замонавий лойиҳа асосида қад ростлаган «Жаҳон бозори»нинг таърифига сўз йўқ.

Қирқ гектардан зиёд майдонни эгаллаган ушбу бозорда йўловчиларнинг кундалик эҳтиёжини қондириш учун барча шароитлар мавжуд. Усти ёпиқ савдо расталари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дўконлар қишин-ёзин вилоят аҳолиси ва меҳмонлар хизматида.

Буюк ипак йўлидаги бу мажмуа қурилиши учун 328 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Энг муҳими, у ҳашар йўли билан бунёд этилди. Яна бир эътиборли томони, «Жаҳон бозори» қурилиши бошланиши биланоқ, жамият ўз акцияларини чиқарди. Бу соҳадан тушган маблағ ҳам бунёдкорлик ишларига сарфланди.

— Жами 400 миллион сўмлик акция чиқаргандик, — дейди «Жаҳон бозори» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси муовини Олимжон Отахонов. — Шу кунга қадар унинг 300 миллион сўмлиги сотилди. Бозор кундан-кун гавжумлашиб бораётгани туфайли акцияларнинг харидорлари кўпаймоқда. Тушган сармоя ҳисобига Италиядан томёпчиқ материал олиб келинди ва бозор ҳудудидаги кўплаб биноларнинг усти ёпилди. Бу материал ёзда салқин, қишда иссиқ ўтказиши, ташқи ёруғликни юз фоиз қабул қилиши билан маҳаллий иқлим шароитига мосдир.

«Жаҳон бозори» ишга тушиши билан шаҳарнинг турли бурчакларидаги тарқоқ бозорлар шу ерга кўчирилди. Эндиликда уларнинг ҳаммаси жаҳон бозорида марказлашди. Шунингдек, кўча-кўйда савдо қилувчи тижоратчилар ҳам бозор расталаридан ўрин ола бошладилар. Буларнинг ҳаммаси, биринчидан, одамларни турли оворагарчиликлардан халос этаётган бўлса, иккинчидан, шаҳар кўчаларининг озодалиги ва ободончилигини таъминлаш имконини бермоқда.

**Абдуҳошим МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Етти рақами — хосиятли. Мустақиллик байрамининг етти йиллиги сабаб Самарқанд ҳақида сўз айтиш ва унинг қиёфасини чизиб бериш учун бу кўҳна юртни фарзанд ўз онасини суйгандай севмоқ лозим. Фақат фарзандларгина ўз оналарини қасамсиз, ҳеч бир таънасиз сева оладилар.***

# САМАРҚАНД ҲАҚИДА СЎЗ

Етти йилнинг йўллари ким учундир жуда узоқ, кимларгадир яқин масофа бўлди. Бу йиллар ичида Самарқандга:

— Амир Темур боғлари қайтди. Ҳатто бу боғлар ҳосилга кирди.

— Жаҳонни салобати билан лол қолдириб келаётган гумбазлар ва минораларнинг чиройи қайтди. Ўзбекистон Қаҳрамони Мирумар Асадов бежиз меъмор ичидан танланмади. У кишининг қўли тарихий обидаю мақбараларга жон бағишлади. Мадраса, обида, майдонларда ҳали-ҳануз таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. «Самарқанд шаҳрини қайта таъмирлаш ва ривожлантириш жамғармаси» салобатли миноралар умрини узайтиришга хизмат қилиш учун махсус тузилган. Президентимизнинг Фармони билан Самарқанд шаҳри иқтисодий-туристик минтақага айлантирилганлиги ҳам бежиз эмас.

— Полвонлари, шахматчи-ю боксчиларининг шуҳрати қайтди. Биргина Атланта шаҳрида бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида вилоятдан 7 нафар спортчи иштирок этди.

— Куй-қўшиқларининг сеҳркор оҳанглари Ургутнинг «Бешқарсак»и тимсолида Франция, Италия, Швеция, Германияда, Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева раҳбарлигидаги «Самарқанд» гуруҳи тимсолида Ҳиндистон, Исроил, Японияда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мардон Мавлонов бошчилигидаги бадиий гуруҳ ижросида Туркияда янгради.

Бу йил ҳайратнинг каттаси Челак туманидаги Хартанг қишлоғига кўчган. Октябрь ойида бу қишлоққа дунё мусулмонларининг қадами тегади. Яхши ниятлиларнинг зиёратлари қабул бўлади. Бугунги кунда эса бу ерда келажак авлодларга худди Регистон майдонидаги обидалардек салобатли, ҳайбатли бўлиб кўринувчи бинолар қад ростлади, безак ишлари ҳам моҳир меъморлар қўли билан амалга оширилмоқда. Қимматбаҳо тошлар ишлатилмоқда. Зиёратга элтувчи йўллар таъмирланганини кўрган кўз қувнайди. Бу қишлоққа олиб борувчи йўл бошидаги дарвозани кўргандаёқ вужудингиз жимирлаб кетади. Дилингизга ҳадисшунос бобомизнинг қабридан бир нур сингиб киргандек бўлаверади.

— Истеъдодлар, интилувчан ёшларга эътибор қайтди. Республикамизда истеъдодли ёшларга ғамхўрлик кўрсатувчи «Умид» жамғармаси тузилди. Жамғарма ҳайъатининг назарига тушган ёшлар Самарқандда ҳам анчагина. Ўтган йили Тошкентда «Истеъдод» туркумида чоп этилган китоб муаллифлари орасида Нодир Жонузоқ исмли талаба ҳам бор. Унинг «Томчи» деб номланган тўплами ёшлар қалбига умид томчиларини томизди. Бу эса юртимизда билимли, истеъдодли ёшлар назардан четда қолмаслигига биргина мисол, холос.

Бир куни хонамда ўтирсам, сариқдан келган узун бўйли, ёқимтой бир аёл кириб келди. Ўзбек тилида саломлашди, сўрашди. Лекин соф ўзбек тилида гапирсада, англадимки, Антонина Вилке германиялик тадқиқотшунос-этнограф экан. Беш ой давомида Самарқанд шаҳрида, туман қишлоқларида бўлди. Тўйларда, маърака-ю турли маросимларда иштирок этди. Келин тўйларини ҳаваслaниб кузатди. Унга ҳам келин дўпписи ва рўмолчасини совға қилишди.

Ишқилиб кўз тегмасин. Хуш кайфият ҳар бир ўзбек оиласидан асло кетмасин. Унутилган қадрият, маросим, байрамлар қайтганлиги рост бўлсин. Энди улар биз билан доим бирга қолсин.

**Гули ЧЕҲРА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МЕҲНАТНИ РИЗҚ ДЕГАН ОДАМЛАР

Табиийки, деҳқон билан гурунг асосан пахтаю ғалла ҳақида бўлади. Якка пиёла қўлдан-қўлга ўтади. Биқинда ёстиқ, ҳар елкасида биттадан одам ўтириб «Қоракўзим»ни хиргойи қилса ҳам, пинагини бузмайдиган Меҳнатобод туманидаги «Бахмал» фермер хўжалигининг бошлиғи Темур Норчаевнинг куракдек кафтларида пиёла жонивор уймоқдек бўлиб қоларкан.

— 328 гектар майдоннинг ярмига ғалла, ярмига эса пахта экканмиз, — дейди у. — Ҳар йилгидек хирмонимиз донга тўлиб кетди. «Бўлар бўлсанг бўлиб ўт, бўз йўрғани миниб ўт» деганларидай, одамларимизга 400 килограммдан то бир тоннагача буғдой улашдик. Ёғ, гуруч, 2-2,5 минг сўмдан пул тарқатаяпмиз.

«Бахмал»нинг ҳисобида 1,5 миллион сўм ақча бор экан. Эрта-индин уларнинг ҳисобига яна 3,5 миллион сўм пул келиб тушаркан.

— Ўнга яқин техникамиз бор. Бу бизга икки-уч йилга етади, — дейди Темур Норчаев. — Қўлимиздаги бор пулни ернинг дардига малҳам қўйиш учун сарфлаймиз. Қишлоқда мен билан ишлайдиганлар тўй қилса омборига, дастурхонига кўз ташлаймиз. Қани, бошқалар кулмасмикан, ноз-неъмати етарлимикин, деган ўй қийнайди мени. Чўлда тупроғу қора мой чанғаллаб юрганлар меҳнатига яраша кун кўриши керак-да. Ё гапим чаккими?..

Тушдан кейин шимимиз почасини тиззагача қайтариб дала айландик. Иссиқ тупроқ товонга хуш ёқади. Ғўзалардаги кўсакларнинг ҳар бири грек ёнғоғидай салмоқли. Пайкалга оралаганингиз сайин улар тиззангизга урилиб юришга халақит беради.

Ғўза пайкаллари тугаб, қовун-тарвуз экилган майдонга чиқдик. Бу майдонларда ҳам биронта бегона ўт кўзга ташланмайди. Жўяклардан бир ҳовуч кўз ёшдай милтираб сув оқиб турибди. Қовун ва тарвуз палаклари қирқ кокил санамнинг сочларидай пуштага тартиб билан тараб қўйилган.

— Пахтаю ғалладан бир даромад кўтарсак, сабзавоту полиздан яна бир даромад кўтарамиз, — дейди бригадир Абдуғаффор Эрназаров. — Авваллари ғалладан бўшаган майдонлар бекор ётар эди. Мана энди одамлар бу жойлардан наф кўришаяпти. Биласизми, нима учун «Бахмал»га ишга киришни хоҳловчилар кўп? Чунки бу ерда даромад яхши. Оддий деҳқонга қуруқ гап, ваъда, дўқ-пўписа кор қилмайди. Ўнта сизу биздан битта жизу биз афзал. Мирзачўлда пахтанинг ҳосилдорлиги жуда паст. Минглаб гектар майдонлардан 18-20 центнердан пахта олинади. Шу ҳам ҳосилми? Хўжаликни кўтараман деган раҳбар аввал деҳқонни ўйлаши керак. Каллали раҳбар мана сенга 25 сотих ер, томорқангни эк, пахтадан 15 нинг ўрнига 25 центнердан ҳосил олиб берасан, деб қўл ташласин-чи, биронта деҳқон йўқ дермикин? Фермер хўжаликларининг ривожланишига энг катта сабаб ҳам раҳбар билан оддий ишчи ўртасидаги даромаднинг инсоф билан, диёнат билан бўлиб олинишидир. Айрим раҳбарлар ноқонуний ҳолда гектар-гектар томорқа экишади. Оддий деҳқоннинг туриш-турмушини эса назардан четда қолдиришган.

Қуёш уфққа қаймоқ суртилган ширмон нондек қизариб бота бошлади.

Темур Норчаев ёки Абдуғаффор акалар билан кун бўйи суҳбатлашиб, мен бирор оғиз дабдабали сўзларни, жимжимадор жумлаларни эшитмадим. Лекин барибир уларни истиқлол фидойилари, деб атагим келади. Зотан, етиштирган буғдойларидан чўл ҳиди уфуриб турувчи, ундирган пахталаридан тер ҳиди анқийдиган бу одамларни бошқача аташ мумкинми?

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САҲРО БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

## Қўнғирот сода заводи қурилишидан репортаж

Устюрт деганда кўпчиликнинг кўз ўнгида жазирама саҳро гавдаланади. Аслида-чи? Сиз Устюртда бўлганмисиз? Мабодо йўлингиз тушса, бу ерга, албатта, келинг. Афсусланмайсиз. Нега дейсизми?

Саҳронинг қоқ ўртасида бунёд этилаётган сода заводи туфайли бу ҳудуд улкан қурилиш майдонига айланган.

— Заводдан сал нарида, — дейди иккинчи механизациялашган кўчма колонна ишбошиси Давилбой Хўжаахмедов. — Чоғроқ шаҳарчаям пайдо бўлди. Бу ерда асосан корхона ишчилари истиқомат қилади.

...Сув тозалаш иншоотидамиз. Бу ерда бетонлаштириш, ускуналарни монтаж қилиш жадал кетаяпти. «Оролсувқурилиш» бирлашмаси қурувчилари қисқа вақт ичида кунига 550 куб метр сув етказиб берувчи иншоотни барпо этишмоқда. Режалаштирилганидан 1,5 баробар кўп маблағ ўзлаштирдилар. Ишбошининг айтишига қараганда, узоғи билан 2-3 ой ичида иншоот фойдаланишга топширилар экан.

— Айни кунларда мамлакатимизнинг содага бўлган эҳтиёжи асосан четдан келтирилиш эвазига қопланаяпти, — дейди Давилбой бизни корхона ичкарисига бошлаб кираркан. — Бунга қанча валюта сарфланаётганини биласизми? Энди эса, республикамизнинг оғир ва енгил, самолётсозлик, ойнасозлик, электротехника, озиқ-овқат саноати тармоқлари ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган сода маҳсулотини бу йил ишга тушириш мўлжалланган ана шу корхонадан ола бошлайдилар.

Мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда, бу йил заводнинг йилига 190 минг тонна сода ишлаб чиқарадиган биринчи навбати ишга тушади.

Айни кунларда бу ерда кечаю кундуз қурилиш ишлари бормоқда. «Қорақалпоқресдеҳқонқурилиш», «Қорақалпоқсаноатфуқароқурилиши» ҳиссадорлик жамияти қурувчиларига камарбасталик қилаётган «Қорақалпоқавтойўл», «Қорақалпоқэлектртармоқ» бирлашмалари ғишт терувчилари ишни узлуксиз, сменали ташкил этишган.

Ишбоши Давилбой бизни бунёд этилаётган янги шаҳарча томон бошлади. Биз тушган машина бир зумда, елдек учиб, шаҳарча чеккасига келиб тўхтади.

— Шу ерда тушамиз, — деди Давилбой бир-биридан гўзал, шарқона меъморий услубда қурилган қоматдор иморатларни кўрсатаркан. — Булар ўз-ўзидан бино бўлгани йўқ, - қўшиб қўйди у.

Ишбоши жуда хушчақчақ, ишбилармон йигит экан. Бинодан-бинога етиб боргунимизча ишдан ҳам гапиради, яна орада латифа айтиб ҳамроҳ бўлганларни кулдиради.

— Мана буниси новвойхона, — деди у тайёр бир бинони кўрсатиб. — Яқинда фойдаланишга топширдик. Кунига 10 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Шаҳарча аҳолиси ва завод ишчиларини бемалол нон билан таъминлайди.

Ёнма-ён қурилган 6 та ётоқхона, 300 ўринли ошхона, 320 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб, қурилиш базаси, автокорхонанинг маъмурий биноларини айлангунимизча қуёшнинг заррин нурлари хира тортиб, уфққа бош қўймоқда эди.

Саҳродаги шаҳарча оқшомда ҳам гавжум ва файзли эди.

**И. ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Р. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

* * *





***СУРАТЛАРДА:** ишчилар шаҳарчаси; қурувчилардан бир гуруҳи.*

# «КОБУЛ-ЎЗБЕК» – МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ

Истиқлолнинг етти йиллик айёмини Тошкент вилояти деҳқонлари, ғаллакору соҳибкорлари, ишбилармону тадбиркорлари, хуллас, ҳамма соҳада меҳнат қилаётган ҳазрати ИНСОНлар ёруғ юз билан кутиб олишди. Бу йил вилоятда ғалла етиштириш, гўшт ва сут ишлаб чиқариш борасида талайгина ўзгаришлар қилинди. Айниқса, хусусий секторни ривожлантириш, тадбиркорликка кенг имконият яратиш туфайли қишлоқ хўжалигидагиислоҳотлар кўлами янада кенгайди. Вилоятда айнан ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга, хорижий сармояларни жалб этишга жиддий эътибор қаратилгани боис бугун бу ҳудудда «Альбо», «Весқаф», «Чосон-Секрекисул», «Фар-Итал», «Медиз» сингари юздан ошиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг бир қисми ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилишга киришгани кишини қувонтиради.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари вилоятдан четга фақат рангли ва қора металлар, минерал ўғитлар, консервалар, пахта толаси, трансформаторлар экспорт қилинган бўлса, бугунга келиб, улар қаторига пахта калаваси, пахтали матолар, пойафзаллар, бир марта фойдаланиладиган шприцлар, цемент ва бошқа кўплаб маҳсулот турлари қўшилди.

Йилдан йилга вилоятга импорт маҳсулотлари келтириш камаймоқда. Чунки ўзимизда унинг ўрнини босадиган, ҳатто айрим ҳолатларда устунликка ҳам эга бўлган маҳсулотлар тайёрланаяпти. Жанубий кореялик сармоядорлар билан ўзаро шериклик асосида қурилган Тўйтепадаги «Кобул-Ўзбек» СО. қўшма корхонаси мисолида ҳам бу фикрлар исботини кўрамиз. Вилоятдаги энг нуфузли корхона бўлган бу масканда Бўка, Пискент, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Оҳангарон туманларидан икки ярим мингга яқин ёшлар меҳнат қилаётир. Уларнинг иш шароити, ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлиги даражасини кўриб лол қоласан, киши.

Цехларда иш уч сменада ташкил этилган. Ип йигириш ва хом сурп тўқиш цехларидаги барча дастгоҳлар Германия, Швейцария, Бельгия, Италия, Япония сингари ривожланган мамлакатлардан келтирилган. Шу боис ҳам «Кобул-Ўзбек» маҳсулотлари кейинги бир йил ичида жаҳон бозорида каттагина нуфуз қозонди. Ҳозир бир килограмм ип ички бозорда 350-425 сўм, ташқи бозорда эса 2,60 АҚШ долларига баҳоланмоқда.

Байрам арафасида корхона ҳовлиси янада сўлимлашган. Ҳаммаёқ чиннидек тоза. Озод мамлакатимизнинг жозибали байроғи оҳиста ҳилпираб турибди. Корхона раҳбарлари билан қисқача суҳбатдан сўнг цехларни айланамиз. Ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар эртаю кеч бир мақсад – Европа сифатидан-да устунроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга интиладилар. Шу боис қайси цехга қадам қўйманг, «Иш бошлашдан аввал – тозалик, иш жараёнида – тозалик, смена сўнггида – яна тозалик» деган шиорга кўзингиз тушади. Пахтани титиш, пликлаш, калавалаш, ип йигириш ва хом сурп тўқиш цехларида ускуналар, бутун цех саҳни тинимсиз махсус чанг ютгичларда тозаланиб, дастгоҳлар ойнадек қилиб артиб турилади.

Мустақиллик шарофати туфайли бунёд этилган «Кобул-Ўзбек» минглаб маҳаллий ёшларни иш билан таъминлабгина қолмай, уларга касб ўргатди. Хорижда билим ва тажриба орттиришига сабабчи бўлди. Тараш цехи дастгоҳ оператори Жумагул Досова корхонага дастлаб келган ёшлардан. Зеҳни ўткирлиги туфайли хориж дастгоҳларини миридан сиригача ўрганиб олди. Ҳозир бир ўзи 18 та дастгоҳда смена давомида уч тонна плик тарайди. Бу — катта кўрсаткич.

— Жанубий Кореяда таҳсил олдим, — дейди у. — Агар истиқлолга эришмаганимизда биз каби қишлоқдан чиққан, ўрта маълумотли қизларни хорижда ўқиб келиши хомхаёл эмасмиди! Ўзбекистонлик ёшларга, мамлакатимиз келажагига Жанубий Кореяда катта ҳурмат ва эътибор билан муносабатда эканлигининг гувоҳи бўлдик. Улар юртимизни Марказий Осиёдаги иқтисодий-сиёсий барқарорлик тўла таъминланган ягона мамлакат деб билишади. Тўғрисиям шу-да! Мустақиллик туфайли мана шундай нуфузли корхона қурилди. Озодлик сабаб, кўриб турган дастгоҳларингизда иш ўргандик, ризқ топаяпмиз.

Ҳа, бугун корхонада яратилган шароит қўшни давлатларда йўқлиги табиий. Биргина Россияни олайлик. Юзлаб фабрикаларда, ер ости конларида ишчилар йиллаб ойлик ололмай, иш шароитидан қийналиб, ҳафталаб кўчада намойишлар ўтказаётган бир пайтда Тўйтепадаги бу корхонада юқори маош, бепул иссиқ овқат, кийим-кечак, транспорт хизмати тўлиқ таъминланган.

«Кобул-Ўзбек» корхонасидаги юзлаб ўзбек чеварлари бир кунда 55 тонна ип йигириб, режадагидан ошиқча хом сурп тўқишаяпти. Ана шуларнинг ғайратига таянган ҳолда бу йил 50 миллион АҚШ доллари баҳосидаги маҳсулот экспорт қилинади.

Европа мамлакатлари Тошкент вилоятидаги бу корхона тимсолида Ўзбекистон толасининг ҳақиқий харидорига айландилар. Ана шу давлатлар бир ойда Тўйтепадан 4-4,5 миллион АҚШ доллари баҳосидаги маҳсулот сотиб олишаяпти.

Жанубий кореялик ишбилармонлар Ўзбекистонга сармоя келтириб, фойда олиш муқаррар эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилганликлари туфайли энди Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида яна бир шундай нуфузли корхона қуришмоқда. Уни бунёд этишга 115 миллион АҚШ доллари ажратилди. Кўкчадаги бўлажак корхона Тўйтепадаги комбинатнинг узвий давомидир. Чунки Тўйтепада тўқилган хом сурпга Кўкчада гул босиш, йилига беш минг тонна газлама полотноси ишлаб чиқиш, Европа сифати даражасидаги эркаклар ички кийим-кечаклари тикиш режалаштирилган.

Тўйтепадаги «Кобул-Ўзбек»нинг нуфузи ана шундай!

Вилоятда эса байрам тантаналари қизғин давом этаяпти. Маҳалла ва гузарлар, туман марказлари ва шаҳарлар миллий айёмимизга ташриф буюрадиган меҳмонларни ўзбекона лутф, ўзбекона иззат-икром билан кутиб олишаяпти. Тантана кунларида вилоят аҳли билан ёнма-ён хорижлик юзлаб сармоядорлар ҳам сайилгоҳларга чиқдилар.

Айём муборак, азизлар!

**Шодиёр КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг Тошкент вилояти бўйича ўз мухбири.**

# БЕҚИЁС ЯШАРГАН МАСКАН

Мустақиллик кўҳна Жиззахга кўп нарсалар берди. Ўзбекистон дея аталмиш юртга кўплаб адабиёт, маданият намояндаларини, давлат арбобларини берган ўлкада кейинги етти йилда мислсиз ўзгаришлар рўй берди. Пастқам лойшувоқ уйлар, тор кўчалар ўрнида ҳашаматли осмонўпар бинолар, шоҳ кўчалар бунёд этилди. Кўҳна-юпун юрт навқиронлик либосини кийди.

Ҳамшаҳарларим истиқлолни шу қадар қадрлашадики, у берган ҳар бир рўшноликни фахр-ифтихор ила мустақиллик номи билан аташади. Шароф Рашидов номи билан аталган шоҳкўчада троллейбус қатнай бошлади. Шу кўчада Мустақиллик майдони, истиқлол боғи барпо этилди. Ўзига хос меъморчилик анъанаси асосида бир-бирига бақамти қилиб қурилган мусиқали драма театри, «Фориш» концерт мажмуи, жаҳон андозасига мос теннис корти ҳам шу кўчада. Мустақиллик майдонида собиқ пролетариат доҳийси ҳайкали ўрнига қўйилган улкан Ҳумо қуши жажжи болакайни қанотларига олиб олис парвозга шайланиб турибди. Бунда ҳам рамзий маъно бор. Ҳумо — юртимиз бошига қўнган бахт қуши. Жажжи болакай эса эндигина еттига қадам қўйган истиқлол юрти. Олис парвоз келажаги буюк давлатнинг ёрқин истиқболидан далолат.

Тўкинчилик манбаи бўлган қишлоқ хўжалиги мустақиллик туфайли ўз эгасини топди. Ижара, оила пудрати шарофати ила ғаллакорлар икки юз ўттиз минг тонналик хирмон уйдилар, «пахтадан ҳам режани бажарамиз», деб туришибди деҳқонлар. Мевазор боғлар, узумзорлар, сабзавот-полиз пайкаллари ҳам одамларга мулк қилиб берилгани ободончилик, мўл-кўлчиликка пойдевор бўлди.

Саноатдаги, қурилишдаги ўзгаришлар ҳам беқиёс. Йигирмага яқин қўшма корхона фаолият кўрсатяпти. «Жибри» Жиззах-Британия, «Кумуш тола» ўзбек-тожик корхоналарида маҳаллий хомашёдан ўсимлик ёғи, ипак толаси чиқарилмоқда. Ўттизга яқин маҳалла гузарлари, ўндан ортиқ маъмурий бинолар, бутун бир ишчилар шаҳарчаси қурилди.

Битта шаҳарнинг ўзида бир неча катта-кичик бозорлар ишга туширилди. Гўзаллик ва саломатлик марказлари, ногиронларни реабилитациялаш маскани, ёпиқ сув спорти мажмуи, йигирмадан ортиқ теннис кортлари ва майдонлари ўз эгаларига топширилди. Шаҳар кўчалари тўлиқ асфальтланди, ёритилди. Алоҳида фахрийлар ва болалар боғлари барпо этилди.

Шу боис жиззахликлар Мустақилликни эъзозлайдилар.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БАЙРАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

### СИЁБЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Машҳур Регистон ёдгорликлари мажмуи бағрига сингиб кетган «Мўъжиза» чойхонасидаги тантана билан сиёбликлар Истиқлол айёмини бошлаб юборди. Карнай-сурнай садолари, дилкаш куй-қўшиқлар бу ерга тўпланганларга чинакам завқ бағишлади. Дошқозонларда дамланган ош дастурхонга тортилди. 125 та маҳалладан ташриф буюрган оқсоқоллар, онахонлар бир пиёла чой устида ширин суҳбат қурдилар. Эҳтиёжманд оилаларга меҳр-мурувват кўрсатилди. Ҳомийлар томонидан уларга қимматбаҳо совғалар улашилди.

### ЯНГИ АВТОКОМБИНАТ

«Андижон – Ўш» автомагистрали ёқасида автокемпинг очилди. Польшалик мутахассислар лойиҳаси асосида «Ўзавтосаноат» давлат концерни буюртмаси билан қурилган бу автокемпингда транспорт воситаларининг деярли барча турларига техник хизмат кўрсатилади. Энг замонавий таъмирлаш ва созлаш дастгоҳларини ўрнатишда, уларни синаб кўришда маҳаллий мутахассисларга польшаликлар яқиндан ёрдам бердилар. Айни вақтда бу ерда ҳайдовчилар учун дам олиш хоналари, кафе, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд.

**Ҳ. ШУКУРОВ,**
**К. НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**



*Бугун гўзал диёримизда кўтаринкилик руҳи, бунёдкорлик руҳи устувор бўлиб турибди, деб айтсак, асло муболаға бўлмайди. Биз жуда кўп тилга оладиган моддий ва маънавий янгиланиш дегани ҳам аслида шу эмасми?*

**Ислом КАРИМОВ.**

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

**Ўзбекистон Истиқлол йилларида дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 мамлакатнинг бирига айланди.**

* * *

**1997 йилда республика аҳолисининг табиий газ билан таъминланиши 1991 йилга нисбатан 44,6 фоиздан 69 фоизга етди. Қишлоқ аҳолисининг газ билан таъминланиши 18,4дан 55,8 фоизга ўсди.**

* * *

**Ўтган йил давомида республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 11,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 5,8 фоиз, чакана товар обороти 12,7 фоиз ва аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси 21,3 фоизга кўпайди.**

### ЭЪТИРОФ

«Биз — Ўзбекистондамиз. Бу ердан атиги бир неча юз километр узоқликда Афғонистон бошланади. Толибонлар тасарруфидаги афғон ҳудудида хотин-қизларни бошдан-оёқ паранжи ичига қамаган чиркин қонунлар ҳукмронлик қилади, Афғонистонда мусиқа таъқиб этилган, расм чизиш ва жонли мавжудотни суратга олиш мумкин эмас.

Самарқандда — Буюк Ипак йўлида жойлашган афсонавий ўзбек шаҳрига ташриф этиб эса, сиз ўзингизни тамомила бошқа сайёрага тушиб қолгандай ҳис этасиз. Бу ерда хотин-қизлар ғоятда очиқ, мафтункор табассумлари ва кийимларининг камалакранг жилолари билан ҳар қандай хорижликни ўзларига асир этади. Суратга туширар эканмиз, уларнинг самимий меҳмондўстликлари ва очиқ кўнгилликлари бутун жозибаси ила кўзга ташланади.

Ана шундай икки дунё қиёсланганда, Ўзбекистоннинг ривожланган маданий давлат эканлиги яққол аён бўлади».

**«ЛА ЛИБР БЕЛЬЖИК» («Озод Бельги») газетаси, 1998 йил 28 май.**

Ислоҳот чорраҳаларида

# ЭЛ МУРОДИГА ЕТСА

Сариосиё — ҳудуди жиҳатидан Сурхондарёда энг йирик туман. Вилоят ҳудудининг тўртдан бир қисмини ташкил этади.

Сариосиёнинг Тамарҳут қишлоғида республикамиздаги энг баланд — Қолдирға чўққиси бор. Баландлиги денгиз сатҳидан тўрт ярим минг метр.

Туман деҳқонлари икки йилдан буён ғалла, пахта етиштириш, бу экинлардан мўл ҳосил олишда вилоятда пешқадам.

Бир ишчи-хизматчининг ўртача ойлик маоши 1994 йилда 380 сўм бўлганди. Тўқсон еттинчи йилга келиб бу қарийб ўн баравар ошди. Шу давр мобайнида нақд пул даромади жон бошига 1500 сўмдан 14200 сўмга кўпайди.

### КУНГАБОҚАР – МЕҲНАТ ҚИЛГАНГА БОҚАР

Туманнинг ҳудуди катта бўлгани билан суғориладиган ери кам . Шартли суғориладиган майдонларни ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, 13,5 минг гектар. Шу майдонларда зироат ўстириб, сариосиёликлар 1994 йилда 187 миллион сўм даромад олган бўлсалар, 1997 йилга келиб 2 миллиард 100 миллион сўм даромад кўрдилар. Эътибор қилинг: деярли ўн бир баравар ўсиш бор.

Бунча даромад қайси ирмоқлардан оқиб келаяпти, деган савол пайдо бўлиши мумкин.

Бу ерда ҳар йили 3 минг гектардан зиёд суғориладиган майдонда ғалла, қарийб 5 минг гектар ерда пахта етиштирилади. Ўтган йили ғалланинг гектаридан 55 минг сўмдан, пахтадан бўлса 75 минг сўмдан даромад олдилар. Ҳар иккала зироатдан олинган даромад, кўриб турибсизки, 600 миллион атрофида. Ва бу биз юқорида эслаттан 2 миллиардлик рақамдан анча олисда.

Ана энди гапнинг бу ёғини эшитинг: тўқсон еттинчи йили ғалладан бўшаган ерларга маккажўхори ва бошқа экинлар экилди. Такрорий экин ҳисобидан 1100 тонна маккажўхори дони, 547 тонна сабзавот, 414 тонна полиз, 14 минг тонна силос олинди. Картошкадан сўз очилса, тамом, Сариосиё ҳамиша танбеҳга қоларди. Бултур-чи? 644 тонна кечки картошка ишлаб чиқарилди.

Бу йил бўлса сариосиёликлар 1000 гектар ерга такрорий экин сифатида кунгабоқар экдилар. Бозорда стаканлаб «семичка» сотиш учун эмас, албатта. Мақсаду кўзланаётган натижа анча жиддий.

— Кунгабоқарнинг мой берадиган навини танлаб экканмиз, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Сайдулла Асадов. — Шўх, паҳлавон экин экан ўзи. Сувни, ўғитни кўп сўрамайди, 80-90 кунда пишади. Китобига кўра, гектаридан ўртача ўттиз центнер ҳосил беради. Ҳосилидан ўттиз-ўттиз беш фоизи мой... Демак, уч тоннадан бир тонна мой. Демак, мой ҳисобининг ўзидан бир гектар ердан 200 минг сўмча даромад.

Кунгабоқарни қайта ишлаш хусусида украиналик ишбилармонлар билан маҳкам келишиб қўйганмиз. Келгуси йиллардан лалмию оби ерларда 3 минг гектар майдонда кунгабоқар экиб олсак, марра бизники.

Асадовнинг лалми ерни тилга олгани бежизга эмас экан. Биз туманнинг Гулат Хидиров номли жамоа хўжалигидаги Нурали Султонов бошлиқ бригадага бордик. Бригада Хами Гандум тепаликларида деҳқончилик қилади. Боғ ўстирган. Қовун-тарвуз экади. Бу йилдан бошлаб бўлса уч гектар ерга, бир баланд тепаликнинг устига кунгабоқар экипти.

— Кунгабоқар асли лалмибоп экин экан, — дейди Султонов. — Ҳосили — мой, мойдан қолгани — ҳолва, пояси — ўтин... Кунгабоқар дегани аслида ишлаганга, меҳнат қилганга боқар экан.

### ҲИСОРИ ҚЎЙЛАР КЎПАЯДИ

Сариосиёнинг шимоли-ғарб тарафида Ҳисор тоғ тизмалари ястаниб туради. Бу паст текислигу тизмаларнинг ўзига хос хосиятли хусусиятлари бор. Бу ерларда ёз бўйи гулхайри оппоқ бўлиб гуллаб ётади. Курғоқчиликда ҳам дашт ўтлари яхши ўсади. Сурхондарёда нима мўл десангиз, лалми ер мўл. Лекин биз ҳозир эслатган полизу кунгабоқар лалми бўлиб, ҳамма жойда ҳам ўсавермайди.

Айниқса, бу жойларда чорва баҳра олади. Ҳисори деган қўй шу даштларнинг номига менгзаб қўйилган. Туманда ҳозирги кунда 40 минг бошдан кўпроқ ҳисори қўй ва тўрт ярим мингча зотдор қорамол (жамоа хўжаликлари ҳисобида) бор.

— Туманимизда қурилаётган шиша идишлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод маркетинги, бизнингча, ўзини оқламаётган кўринганини ҳисобга олиб, шу иншоотни биз омихта ем тайёрлаш корхонасига айлантирмоқчимиз, — дейди туман ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Қосимжон Холдоров. — Хомашё манбаи тайин: кунгабоқарнинг, пахтанинг қайта ишловдан чиққан қолдиғи, такрорий экилган макка дони, беда пичани... Агар оҳак, бентонит тупроғи ва кварц қумини ҳам аралаштирсак, паррандабоп ем тайёрлаган бўламиз. Туманимизда, ахир, саксон саккизинчи йили ишга туширилган ва йилига 5 минг тонна бройлер гўшти етиштириш қуввати (имконияти)га эга паррандачилик фабрикаси бор. Фабрика, тўғриси, бир ишлаб, бир ишламай турипти. Энг муҳими, иморатлари, ускуналари бут. Муаммоси — ем. Туманимизда йилига 10 минг тонна ем ишлаб чиқаришни, сутни, гўштни қайта ишлайдиган корхоналарни қуришни, чорва бош сонини яқин йилларда 6-7 бараварга кўпайтиришни мўлжалламоқдамиз.

### КЎНГИЛ ЯҚИН

Гап аввалида биз Тамарҳут қишлоғини эсладик. Тамарҳут вилоятнинг 2500 қишлоғи ичида энг олиси ҳисобланади. Олис бўлиб кўп ҳам узоққа кетгани йўқ — Сариосиё қўрғонидан бўлса 50 чақирим бордир. Лекин фақат пиёда бориш мумкинлигини тасаввур қилсангиз, албатта, олис кўринади-да. Тамарҳутнинг ва унга ёндош Киштут қишлоғининг одамлари бозорлигини Ургут, Самарқанд томонларга бориб қилишади. Чунки Сариосиёдан кўра ўша томонга от билан бориш қулайроқ экан.

Хами Гандум даштларида биз ўша узоқ тоғ қишлоқларидан бири — Зевардан эниб келган ҳамюртимизни учратиб қолдик. Ўзини Боймуродов Холмурод деб таништирди.

— Мустақиллик бўлиб, биз тоғликларга ҳам кун туғди, — дейди Холмурод «и» товушини чўзиброқ талаффуз қилиб. — Қишлоғимизга иликтр (электр энергияси) обборилди. Унгача чироқ ёқиб яшардик.

— Мева кўпдир?

— Мевадан кўра буғдойимиз кўп. Ҳар битта уйда иккитадан радио бор. Янгиликларни ҳаммадан аввал биз эшитамиз.

— Мактаб, дўхтир дегандай?... — сўраймиз.

— Мактабимиз, дўхтирхонамиз зўр. Китобхонамиз ҳам бор. Магазинимиз обод. Ташаккур шу давлатга. Худонинг ўзи ёрлақасин.

Холмурод мактаб директорининг, маҳалла раисининг исмларини тилга олди. Кимдир ундан, участка нозири ҳам борми, деб сўради.

Холмурод кулди. Тоғликлар кўп аҳил. Қозон қайнатган одам ҳамсоясини йўқлайди. Тўй-маърака батартиб ўтади. Шунинг учун ҳеч ким қишлоғидан кўчиб кеттуси келмайди. Қишлоғини шунчалар муқаддас билади, деди. Беш ўғли, уч қизи бор экан. Ўғилларига велосипед олиб беришни кўнглига тугиб келганмиш. Бу унинг Мустақиллик байрами муносабати билан фарзандларига қилган совғаси бўлармиш.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

"КОР ФАРМСАНОАТ"

Ҳиндистон-Ўзбекистон қўшма корхонаси

Ўзбекистон халқини ва ўз мижозларини

Мустақиллик байрамининг 7 йиллиги

муносабати билан муборакбод этади.

Келажаги буюк давлатни қуришда иштирок этаётган гўзал Ўзбекистоннинг барча аҳолисига соғлик, бахт ва хурсандчилик тилайди.



БИЗ ҲАР ДОИМ СИЗ БИЛАН !!!

960

## Истиқлол таронаси

### ҲАЛҚИМ

*Бекорга кўксингни кермадинг, халқим,*
*Эрк дея қиличлар сермадинг, халқим.*
*Гоҳида Муқанна сиймосида сан*
*Ўтларга беҳуда кирмадинг, халқим!*
*Зулму истибдодни парчалаб келдинг,*
*Ғururинг елларга бермадинг, халқим.*
*Сен айро тушмассан зако йўлидан,*
*Норасо йўллардан юрмадинг, халқим.*
*Илк ўзинг кашф этиб само сирларин,*
*Бекорга Оқсарой қурмадинг, халқим.*
*Бу кун ўзбек яна машҳури жаҳон,*
*Етти иқлим қилгай ҳурматинг, халқим!*
*Сенга истиқлолинг қўшқанот бўлди,*
*Яшинга тенг келсин суръатинг, халқим!*
*Охунжон саодат қўлин тутарди*
*Мадҳ этса ғазалда қудратинг, халқим!*

### ҲАМ ШУКР, ҲАМ ФИКР ҚИЛ

*Ўзбегим, келди давронинг, ҳам шукр қил,*
*ҳам фикр қил,*
*Бутун бўлди ҳалол нонинг, ҳам шукр қил,*
*ҳам фикр қил.*
*Бошинг узра бу кун Холиқ саодат нурини тўкди,*
*Қобилдир қизу ўғлонинг, ҳам шукр қил,*
*ҳам фикр қил.*
*Хазинангга кўзин тиккан юҳолардан халос бўлдинг,*
*Омонликда молу жонинг, ҳам шукр қил,*
*ҳам фикр қил.*
*Ҳумо қуш қўнди бошингга толеингдан дарак айлаб,*
*Барқарор айлаб имонинг, ҳам шукр қил,*
*ҳам фикр қил.*
*Баракотинг замирида теран идроку зеҳнинг бор,*
*Ҳосилга тўлса хирмонинг, ҳам шукр қил,*
*ҳам фикр қил.*
*Бу улуғ юрт—буюк карвон, борар манзиллари хўбдир,*
*Адолатпеша сарбонинг, ҳам шукр қил,*
*ҳам фикр қил.*
*Охунжон, толеинг шулким,*
*беҳиштлар бирла бўйлашган*
*Ўзбекистондир ошёнинг, ҳам шукр қил,*
*ҳам фикр қил.*

**Охунжон ҲАКИМ.**

Нурафшон уфқлар

# БУХОРОГА БУХОРО ҚАЙТДИ



*Бухоронинг Бухоро бўлиб*
*Бухорога қайтгани аниқ.*
*Унинг боғу саҳроларида*
*Истиқлолнинг машъали ёниқ.*

Дарҳақиқат, шундай. Неча-неча ўн йилликлардан кейин Бухорога аввалги шон-шавкати-ю довруғи билан Бухоро қайтгандай бўлди. Нилий гумбазлар мусаффо осмон рангига қўшилиб кетгандай, азим минораю мадрасаларнинг бўй-басти янада чўзилгандай, асрий жин кўчалар кенгайиб, равонлашгандай гўё. Муаззам руҳлар шод қалқиб, кўкка нур бўлиб таралаётгандай. Ҳаммаёқ нурафшон.

Бухорога Бухоро қайтди.

Истиқлол туфайли Бухорога қадим донишмандлик, навқирон ёшлик, бунёдкорлик, билим ва тафаккур қайтиб келди гўё. Буни биргина мисолдан ҳам билса бўлади. Ўтган йилги ўқув тест синовларида бухоролик ёшлар энг юқори кўрсаткичларга эришиб, республикада биринчи ўринни эгалладилар. Бу йилги натижалар ҳам ёмон эмас.

Бухорога Бухоро қайтди.

Ушбу таъриф Ўзбекистон мисолида дунё узра акс-садо бермоқда.

Жаҳондаги етти шарифнинг бири — Бухоройи шариф Истиқлолнинг еттинчи йилида ўзгача янгиланишлар билан янада оролангандек бўлди. Қадим шаҳарнинг 2500 йиллик байрами муносабати билан бошланган ободончилик ишлари кенг кўламда давом этмоқда. Кўркамлашиш учун бошланган кўтаринки руҳ ҳамон юксакларга парвоз қилаяпти. Ўтган йилнинг ўзида кўҳна шаҳар ободончилигига сарфланган 2 миллиард сўмнинг тўртдан уч қисми бухороликларнинг ўз жамғармалари ҳисобидан бўлди. Шаҳар тубдан ўзгарди. Равон кўчалар бунёд этилди. Мадрасаю мачитлар, айниқса, ҳукумат қарорию Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан Масжиди Калон ва қатор мадрасаю карвонсаройлар қайтадан чирой очди. Бир пайтлар шаҳарда 97 та тошҳовуз бўлиб, улар аҳолини ичимлик суви билан таъминлашидан ташқари шаҳарда ёз кунлари ажойиб иқлим ҳосил қилган. Бу йил ҳокимлик қарори билан ана шундай ҳовузлардан еттитаси таъмирланиб, уларга сув қуйилди. Бу «Гавкушон», «Зайниддин хўжа», «Ҳовузи Нав» ва бошқалар. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги биноси ва «Интурист» меҳмонхонаси оралиғида алоҳида, мисли кўрилмаган «Фавворалар хиёбони» барпо этилмоқда. Бу ерда Бухоро қалъасининг бир парчаси ва қадим ўн икки дарвозадан бири — «Саллохона дарвозаси» тикланиб, фавворалар фонида алоҳида кўзга ташланиб туради. Сал нарида улуғ ватандошимиз Абу Али ибн Синога янги ҳайкал қад ростлайди. Чунки шўролар даврида алломага тикланган кўримсиз ҳайкал бухороликларни сира қониқтирмайди. Иброҳим Мўминов номидаги кўча кенгайтирилиб, йўл бўйларида қатор савдо расталари ва маиший хизмат кўрсатувчи нуқталар барпо этилди. Ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг 1225 йиллик юбилейларига атаб, табаррук зотнинг пирлари ва шогирдлари дафн этилган Чашмаи Айюб ансамбли ўзгача манзара кашф этади. Бу ердаги очиқ майдонда буюк муҳаддиснинг рамзий қабри ва у кишининг уй-музейлари қурилади. Чунки у киши доим табаррук заминга келганларида ўз пир ва шогирдлари қабрларини зиёрат қилгани бу ерга тушиб, Қуръон тиловат қилар эканлар. Кейинчалик Имом Бухорийнинг оналари туғилган қадим Пойканд ва у киши эъзозлаган Варахша шаҳри археологик топилмалари ҳамда Чор Бакр қадамжоларини таъмирлаб, сайёҳлар маршрутига киритиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, бу йил алоҳида етти гектарлик янги «Маънавият боғи»га асос солинади. Бу ерда қадим Бухоро мисолида Ўзбекистоннинг янги тарихига кенг ўрин ажратилди. Унда алоҳида хиёбонлар, муқаддас шаҳарнинг ўн икки дарвозаси, унинг гузар ва маҳаллалари, рамзлари бунёд этилади, яна бир томонда шаҳарнинг кўҳна тарихини жонлантирувчи «Маънавият музейи» тикланади. Бу ерда «Бухоронинг ўн икки алломаси» деган рукн остида жаҳонга ном таратган алломаю шоирларга алоҳида бўлимлар ажратилади. Ҳунармандларнинг асарлари қўйилди. Ўқувчи ва талабалар шу ерда ўзларининг маънавият борасидаги билим ва малакаларини оширадилар. Бухоронинг XXV асрлик тарихи мисолида воҳа меҳнаткашларининг мустақиллик йилларида эришган ютуқларига кенг ўрин ажратилади.

Еттилар силсиласида яна бир шарофатли воқеа. Бир пайтлар Бухоро ерлари заркокили келинчак Зарафшонни бор гўзаллигию таровати билан ўз бағрига олган. Кейинчалик, ўзингиз билган сабабларга кўра, Орол бошига тушган сиру савдо Зарафшон бошига ҳам тушиб, Бухоро ҳажрида узоқларда қолиб кетди. Не бахтки, Оллоҳнинг инояти, еттининг шарофати билан Истиқлолимизнинг еттинчи йилида Орол суви 40 сантиметрга кўтарилганидек, Зарафшон ҳам Бухоро васлига қайта етгандек бўлди. Шу йил март ойида Зарафшонга қурилган тарихий «Шукурбек» ва «Чориқулбой» кўприклари остидан 500 кубометргача бўтана сувлар оқиб ўтиб, Қоракўл ва Олот ерларигача бориб етди. Яна бир таққос, қисқаси, бу йил бухороликлар мунис Зарафшоннинг ўжар Жайҳун билан табиий ачомлашганини кўриб, қувончдан кўзларига ёш олдилар. Муйсафидлар ўз ёшликлари, «Оқар дарё оқмасдан қолмас» деган мақолни қайта-қайта эслаб, Оллоҳга шукроналар айтдилар. Вилоят ҳокимлиги эса дарёнинг эски ўзани ва сув йўлларини тозалаш ва таъмирлаш ҳақида тегишли кўрсатмалар берди.

Ҳа, Бухорога Бухоро қайтмоқда,

Истиқлол туфайли!

**Неъмат АМИНОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

**1998 йилнинг биринчи ярим йиллигида 4 миллион квадрат метр уй-жой битказилди. 2,5 минг километр газ, 1000 километрдан зиёд сув узатиш тармоқлари ишга тушди. Бир сменада 7 минг кишига хизмат қиладиган шифохона ва бошқа иншоотлар фойдаланишга топширилди.**

* * *

**1998 йилда республикада четдан ғалла маҳсулотлари сотиб олиш ҳажми 7 баробарга камайди. Ғалла мустақиллигига эришишнинг асослари яратилди.**

* * *

**Экспорт имкониятлари кенгаймоқда. «Сижжак», «Кагор», «Оқтош», «Жилвон», «Гули Кандоз» винолари АҚШнинг сифат сертификатини олди.**

*Юртимиз учун юксалиш даври бошланди. Бундай дейишга барча асослар бор. Аввало, бунга асос барча шаҳар ва қишлоқларда ишга тушаётган ва маҳсулот беришни бошлаган кичик ва катта корхоналаримиздир. Юртимиз мураккаб вазиятдан чиқиб, ободлик ва тўкинлик сари йўл олгани яққол кўринаяпти.*

**Ислом КАРИМОВ.**



### ЭЪТИРОФ

«Мен Ўзбекистонда атиги бир неча кун бўлдим. Бу кунлар ҳаётимдаги ажойиб дамлардир. Мен Ўзбекистонни севиб қолдим. Тошкент шак-шубҳасиз, дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири ва у янада очилиб бораётганлигининг гувоҳи бўлдим. Мен Амударёни ҳам кўрдим. Бу дарё ўзбек халқининг ўзидай бағри кенг ва очиқлиги билан мени маҳлиё этди».

**Паула Дорнхельм РЕЙЧЭЛ,**
**Нью-Йорк университети ўқитувчиси.**


## ЎЗБЕКИСТОН БРИТИШ АМЕРИКАН ТОБАКО

**Ўзбекистон Республикасининг кўпмиллатли халқини мустақилликнинг 7 йиллиги билан чин дилдан табриклайди.**

BRITISH AMERICAN TOBACCO
UZBEKISTAN

*Шу тарихий қисқа вақт ичида Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва истеъдодли халқи мустақил ва ҳуқуқий давлат барпо этишда, барча демократик мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли яқинлашишда катта муваффақиятларга эришди.*

*Мамлакат очиқ бозор иқтисоди томон барқарор илгарилаши ҳурмат-эҳтиромга лойиқдир.*

*Хориж инвесторларига очиб қўйилган кенг имкониятлар бизнинг ҳамкорлик фаолиятимизда муҳим омил бўлиб, биз ҳам ўз навбатида бу ўзгаришларда ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.*

*Бизнинг муваффақиятларимиз мустақил Ўзбекистон ютуқларидан ажралмасдир. Бу йиллар ичида Ўзбекистон халқи жуда катта муваффақиятларга эришди. Ишончимиз комилки, олдинда бундан-да катта зафарлар кутади.*

*Мана шундай ёрқин ва шодиёна кунда Ўзбекистоннинг меҳмондўст ва сахий халқига ижодий меҳнатда, тинчлик ва барқарорлик борасида олиб борган барча ташаббусларида муваффақият тилашга ижозат беринг. Ҳар хонадонда тинчлик-омонлик, саломатлик, фаровонлик ҳукм сурсин.*

RD/932


БАХТЛАР ВОДИЙСИ

# ТЎЙ ТЎЙГА УЛАНСИН

Ҳали уч ёшга тўлиб-тўлмаган болакай камалакдек порлаб турган чироқлар шодасини кўриб, қувончини ичига сиғдиролмай суюнчилади: **Мустақиллик!**

Шаршарани эслатувчи фаввораларни, гулзору хиёбонларни, заргарона маҳорату нафосат билан сайқал берилган нақшинкор Аркни ўз бағрига олган маданият ва истироҳат боғини, мусаввир мўйқаламидан бетакрор гўзаллик касб этган кунгурадор қуббалар шифтидаги чизгиларни кўрган ўғлон завқ-шавққа тўлиб деди: **Мустақиллик!**

Мурғак, покиза қалб тасаввурида **Мустақиллик** нурли олам, беқиёс шодлик, мафтункорлик рамзи бўлиб гавдаланди. Биз, катталар шуурида, онгида-чи?

Етти йил мобайнида кўз олдимизда содир бўлган мислсиз ўзгаришлар, юксалишдан ҳайратга тушамиз. Уларнинг барчаси мўъжизадай туюлади гўё.

Андижонда истиқлол йиллари пахта ва ғалла етиштиришда ўзига хос мактаб яратилди. Пахтакорлар ҳар йили мамлакатга уч юз минг тоннадан орттириб қимматбаҳо саноат хомашёси армуғон этмоқдалар. Ғаллакорлар бошқа вилоятларга йилига икки юз минг тоннадан зиёд уруғлик буғдой етказиб бераётирлар. Бу йил улар 440 минг тонналик улкан хирмон уйдилар. Вилоят аҳолисининг дон ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилди. Ғалладан бўшаган майдонларга соя, кунгабоқар, мош, ловия, силос учун маккажўхори сингари такрорий экинлар экиш йўлга қўйилди. Ватан ўзининг истиқлол фидойилари бўлган фарзандлари меҳнатини муносиб баҳоламоқда. Шаҳрихондаги «Олтин водий» жамоа хўжалигининг миришкор ғаллакори Содиқжон Абдуллаев Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди.

Бугунги улуғ айём кунлари Андижон саноати ҳақида қалбимиз фахр ва ифтихор туйғуларига тўлган ҳолда тўлқинланиб гапириш мумкин. Истиқлолга қадар машинасозлик заводи бутун собиқ вилоятнинг энг йирик саноат корхонаси ҳисобланарди. Бу ерда қандай маҳсулот тайёрланар эди денг: сув насослари ишлаб чиқариларди. Энди-чи? Марказий Осиёдагина эмас, балки собиқ иттифоқдаги унча-мунча давлатлар ҳам ҳавас қилса арзигулик «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси қад ростлади. «Тико», «Дамас», «Нексия»лар Ўзбекистон автомобилсозлигининг чинакам фахри бўлиб қолди.

Дарвоқе, қўшма корхоналар хусусида бир шингил: ҳозир вилоятда «МАСК» Ўзбекистон-Россия-Италия, «Андижон-Полиэтилен» Ўзбекистон-Америка, «Андижон дурдонаси» Ўзбекистон-Британия сингари 90 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар йилига 36 миллиард сўмлик миқдорида маҳсулот ишлаб чиқармоқда, шундан 133 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот четга экспорт қилинаётир.

Андижондаги ҳайратомуз қурилишларни кўриб, кўнгилдан «Ахир тикласа, барпо этса бўлар экан-ку», деган ўй кечади. Эсимда, бир вақтлар Куйганёрдан ўтган Қорадарё устида кўприк қурилиб, СССР аталмиш ҳудудда жар солинганди. Оддий товуқхона қуриб, уни оламшумул воқеа сифатида баҳолаганлар бугун тайёрагоҳ, темир йўл, автошоҳбекатларнинг жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган кўркам биноларини, халқаро аҳамиятга молик «Тошкент-Андижон-Қашқар» автомагистрали қурилишини, Хўжаободдаги ноёб ер ости газ омбори каби ўнлаб, юзлаб иншоотларни кўриб, не ўйларга боришаётган экан?

Ҳа, ҳалолдан топганинг ўзингга буюрсин экан. Ўшанда бойлигингга бойлик қўшилади, луқмаи ҳалолинг беминнат бўлади, дастурхонингга қут-барака ёғилади. Зеро, бунга ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Агар шундай бўлмаганида аҳоли ўтган йиллар мобайнида қурувчилардан 4,7 миллион кв.метр уй-жой, 54 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 1370 ўринга эга бўлган шифохона, 8,4 минг қатнов қувватини ўзида мужассам этган поликлиника биноларини қабул қилиб олармиди? 3600 километр масофада табиий газ, 750 километрлик ичимлик суви тармоқлари қурилиб ишга туширилармиди? Аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси шўролар тузими давридаги етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида 70 фоизга етказилган бўлса, атиги 6-7 йил ичида бу кўрсаткич саксон фоиздан ортиб кетганлиги истиқлолнинг тотли меваси эмасми? Табиий газ билан таъминланишнинг ақл бовар қилмас даражада ўсганлигини айтишнинг ўзи қувонарлидир. Мустақилликка эришгунимизга қадар биргина Жалолқудуқ тумани бўйича газ қувурининг узунлиги бор-йўғи йигирма километрни ташкил этар эди. Ҳозирга келиб «зангори олов» 400 километр масофада гуриллаб ёнмоқда.

Муҳтарам юртбошимизнинг «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», деган ҳикматларини ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да баён этилган ғоялар, хулосалар, вазифаларни ўзлари учун дастуриламал деб билган ёшлар фан асосларини пухта ўрганишга, келажаги буюк Ватанга муносиб ўғил-қизлар бўлиб камол топишга интилмоқдалар. Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино, Ат-Термизий, Беруний, Нодирабегим каби аллома ва фузалоларнинг ворислари — ёшларимиз истиқлол бўлмаганида бугун тараққий этган давлатларда ўқий олармиди? Тан олиб айтиш керакки, йўқ. Оддий меҳнаткашнинг фарзанди бўлган бўзлик Хуршида Узоқова, Андижон шаҳридан Нозимахоним Тожиматовалар АҚШдаги энг йирик олийгоҳларда таҳсил кўрмоқдалар. Иқтидорли ўқувчилардан Зебо Иброҳимова, Абдураҳмон Қобулов, Дониёр Каримовлар Англия ва Америкада ўқиб қайтишди.

Яқиндаям номлари қўрқинчу ҳадик билан тилга олинган Бобур Мирзо, Чўлпонлар ўз юртларига эъзоз-ла қайтиб келдилар. Қалбида Андижон соғинчи, армонлари муҳрланиб қолган Бобурни бугун халқ боши узра кўтарди. Бош майдонда тулпор устида таъзим-ла Андижонга кириб келган улуғ саркарда, давлат арбоби, беназир шоирнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Боғишамолдай боғи эрамда «Боғи Бобур» барпо этилди. Халқ ўзининг яна бир ардоқли ижодкори — Чўлпон номини улуғлаб, гўзаллик, нафосат ошиён тутган боғ яратди.

Қаернинг бозори обод, маъмурлик, серобчилик бўлса, бу ўша юртнинг бой-бақувватлиги, мамлакатнинг тинч-осудалиги, фуқароларининг аҳил, ҳамжиҳатлигидан нишона. Андижон бугун ана шундай бозорларга эга музофотдир. Мустақиллик йилларида биргина Андижон шаҳрининг ўзида 768 дўконга эга бўлган «Жаҳон бозори» ишга туширилди. Эски шаҳар ва Янги шаҳар бозорлари янгиланди.

Истиқлол Андижонда спортнинг аксарият турлари гуркираб ривожланишига катта имкон берди. Нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ҳам энг йирик ҳисобланган Катта теннис кортида бугун «Буюк ипак йўли» бўйлаб «Челенжер», «Стеллит», «Фючерс» сингари йирик халқаро беллашувлар бўлиб ўтмоқда. Яшил майдонда жаҳондаги энг кучли теннисчилар куч синашмоқдалар. Андижон шаҳридаги ўнлаб муҳташам ўйингоҳлар, Олтинкўл ва Пойтуғдаги футбол майдонлари, тиллар институтидаги сузиш ҳавзасига кимларнинг ҳаваси келмайди, дейсиз.

Қитъалараро беллашувлар ғолиби Муҳаммадқодир Абдуллаев, яқинда АҚШда бўлиб ўтган «Яхши ният» ўйинларининг яна бир чемпиони Темур Тулаков, Алматидаги Осиё ўйинларида спорт акробатикаси бўйича гуруҳ бўлиб машқлар бажарган халқаро тоифадаги спорт устаси Люсия Чинакаева, оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони, энг оғир вазнли Игорь Халилов ва бошқалар бугун жаҳон тан олган спортчилар бўлиб етишдилар. Улар мамлакатимиз спорти шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар, республикамиз шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар.

Субҳидам. Қуёш ўзининг ёғдулари билан оламни мунаввар қилиб улгурмай олис-олисларда карнай-сурнай садолари янгради. Бу тўйдан нишона. Эли, юрти осойишта, одамлари фаровонликда яшаётган юртдагина бўлади бундай тантаналар. Тўйларинг тўйларга, байрамларинг байрамларга улансин, азиз юртим!

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шавкат РАҲМОН

## ОЗОДЛИК ҚЎШИҒИ

*Бу қўшиқ ажойиб қўшиқдир,*
*сўзлари куйдирар томоқни.*
*Ўлимни назарга илмайсан,*
*сезмайсан сургуну қамоқни.*

*Шалдироқ кишанлар ҳукмига*
*ачинмай берарсан ёшлигинг.*

*Юзларинг буришмас оғриқдан,*
*фароғат бағишлар очлигинг.*

*Куйласанг, чекинар разолат,*
*чекинар кадарлар, нолалар.*
*Унчалик қўрқинчли эмасдир*
*кўксингда эзилган лолалар...*

# БУНДАН НУРЛИ УНВОН ЙЎҚ

Бугун одамлар Қуёшни уйғотди. Кўкдан юлдуз изи ўчмасданоқ хиёбонлар, майдонларга халқ тўлиб кетди. Ҳеч ким кўчага тасодифан чиқмаган. Ҳеч ким шунчаки чиқмаган. Атайлаб либослар тиктиришган, атайлаб танлаб кийинишган. Юз-кўзларда одам баландлаб кетган пайтларда зоҳир бўладиган бир бетакрор нур. Кўпчилик гул кўтарган, бола кўтарган, етаклаганлар гул тутганлардан ҳам кўп. Гўё ҳамма бу байрамни боласига кўз-кўзламоқчидай, бу байрам қувончини боласига ҳадя этмоқчидай... Барча-барча билан сўрашгиси, табриклагиси келади, бегона йўқдай, тўрт тарафим қадрдонлар, жигарларим билан ўралгандай. Бошқаларнинг кайфияти ҳам ўзимникига эгиздай: ҳамманинг менга яхши сўзи бордай...

*Озод Ўзбекистон,*
*озод ўзбеклар,*
*Айтсам, ҳар товушимдан*
*сачраб чиқар чўғ.*
*Ҳар товши кўксимда*
*Ёнартоғ тиклар,*
*Дунёда бундан-да*
*баланд унвон йўқ.*
*Фақат шу унвон деб*
*куйса бўлади,*
*Фақат шу арзийди*
*инсон жонига,*
*Байроқ каби қадаб*
*қўйса бўлади,*
*Фақат шу унвонни*
*юрак ёнига,*
*Озод яшамоқни*
*каттиқ истадим,*
*Кўксимни тўлдириб*
*бир қудрат келди.*
*Бундай истак билан*
*ожиз қолар ким,*
*Шубҳа-гумонларим*
*титраб, титилди...*

Пиёда одимлагим, ҳар бир қарич еримиздаги ўзгаришни бор вужудим билан ҳис қилгим келади. Ҳар қадамда янги иншоотлар, гўё сезилмас бир лаҳзада қандайдир афсонавий қудрат келиб, бу бири-биридан маҳобатли иморатларни қўндириб кетгандай:

— Яқиндагина мана бу кўча кўримсизгина эди-я, бу иморатни қаранг, ойналарининг ярқирашини кўрмайсизми? Ҳазилакам маблағ кетмагандир. Ҳа, майли, пул келиб-кетадиган нарса. Мана шу обидалар қолади.

— Юртинг борми деса, бор дегудай. Барака топишсин, Қур деганлар ҳам, қурганлар ҳам.

Ҳайратлар, миннатдорчиликлар... Кўнглим ўсади. Одамзот қизиқ-да, энг бахтиёр дамларида армонли лаҳзалари ёдига келади.

Бир пайтлар еттинчи ноябрь ҳуррият байрами сифатида нишонланар эди. Узоқ-узоқларда «ура-ура», «яшасин», гулдурос қарсаклар бўлаверарди-ю, менинг халқим кеч куз аёзида юзи тилиниб пахта терарди, у пайт.

Талаба эдик. Кун салқин, ёмғир майдалаб турибди. Еттинчи ноябрь куни ҳамкурслар билан ўзимизча «исён» қилмоқчи бўлдик:

— Байрам-ку бугун, тушдан сўнг баракка кетамиз, — дедик ва йўлдаги пахта ташиётган трактор аравасига осилиб чиқдик. Баракка келганимизда ёмғир сезиларли тезлашган эди. Рўпарамиздан штаб бошлиғи — домламиз чиқдилар. У киши ҳам эҳтимол, кечаги намгарчиликда терган пахтамиз чўғи камроқ бўлиб, кимдандир койиш эшитганларми, авзойи бузуқ эди. Биз «омон ёр» айтиб, тележкадан тушаётган эдик:

— Қани, қайт ҳамманг далага, энангга тўй келганми, қўшиқ айтасан!? — деб бақирди. Дамимиз ичимизга тушиб, далага қайтдик. Кейинчалик шундай кунларни эслаб ёзган эдим:

*Тўрт фасл*
*қарамлик машаққатини*
*Бутун миллат билан*
*тенг тортар эдик.*
*Ҳуррият байрами*
*куни даладан*
*Юлдузлар чиққандан*
*сўнг қайтар эдик...*

Бугун еттинчи ноябрни биров эсламайди ҳам. Демак, ёлғон зўрлик билан халқ ҳаётига сингиб кетмас экан-да. Чин байрам бўлмагач, ҳар қандай сана барибир байрам руҳини бермас экан-да. Ёлғонлардан қутилганимиз чин бўлсин, ўз байрамларимизни ўзимиз белгилайлик, дегим келади. Ҳамюртим чеҳрасидаги сокинлик, хотиржамликни кафтларимда силагим келади. Ва яна хотиралар етаклаб кетади.

1991 йил, 31 август. Мустақиллигимиз Олий Кенгаш сессиясида эълон қилинди. Зал оёққа қалқди. Биз бу хабарни «Ойнаи жаҳон»дан эшитдик. Ўзимга сиғмай кетдим. Назаримда ҳамма кўчага чиқиб кетгандай, бир-бирини қутлаётгандай эди: мен ҳам отилиб чиқдим. Аммо кўчаларда сукут эди, роса алам қилди. Узоқ йиғлаган эдим ўшанда. Энди билсам, бу ҳолат мустақилликни тушунмасликдан эмас, халқнинг ҳар қандай шиорлар, ваъдаларга ишончи йўқолганидан экан. «Ҳа, энди навбатдаги ҳол-да», дея бепарво қараганидан экан. Ўшанда ҳам ёзган эдим:

*Руҳим иқлимлари*
*алғову далғов:*
*Билмайман, зилзила*
*ҳеч тингаймикан,*
*Титроқлар устида*
*гул унгаймикан?*
*...Яратган, сувдан ол,*
*ўтга сол мени,*
*Шундай озодликка*
*шукрим йўқ бўлса,*
*Кун кўрмоқдан ўзга*
*фикрим йўқ бўлса!*

Мана, орадан етти йил ўтди. Энди миллатимиз юраги ўша 1991 йил 31 август оқшомида сессия залидан янграган қарсакларга ҳамоҳанг тепмоқда. Энди Озодлик сўзини эшитганда қорачўғлардан нур порилламоқда.

Қорақалпоғистонга борганимни эслайман.

— Биз Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда «ундай қилиш керак, бундай қилиш керак», деб тинимсиз ташвиқот қилардик. Одамларни экиш, кўкартириш, қуришга даъват қилардик. Ҳозир таклифлар билан элнинг ўзи келаяпти. «Мана бу бўш ётган ерда бир нарса қурсам ё бирор тадбир ўтказсам», деб.

— Одамлар уйғонаяпти, — дейди Амударё тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Хонимжон Ражабова.

Ҳа, Хонимжон миллат сифатида шаклланишимизнинг энг керакли нуқтасини топиб айтди. Бу — уйғонмоқ! Уйғоқлик. Тарихдан ғурурланиб уйғонмоқ! Маърифатдан ёришиб уйғонмоқ.

Озодлик масъулиятини юракда кўтариб, ботирланиб, шахдамланиб уйғонмоқ.

*Фикримиз дарахти*
*шиддатли ўсар,*
*Тинар қароғимиз*
*ёшланишлари.*
*Бу ҳам уйғонишми,*
*йўқ ҳали дўстлар,*
*Ҳали уйғонишнинг*
*бошланишлари...*

Яқинда Наманганга хизмат сафарига бордик. Хонадонлар, хусусий корхоналар, мактаблар, дала шийпонларида бўлдик. Юзлаб ҳамюртларимиз билан учрашдик, суҳбатлашдик.

Мен ҳар доим энг муҳими, одамларимиздаги эътиқод, деб ўйлайман. Агар ҳар бир ўзбек учун Ўзбекистон озодлиги эътиқод даражасига кўтарилса, ҳеч ким йўқ пайтида ҳам, Озодликка хиёнат қилишдан Тангридан қўрққандек қўрқсак, ана шундагина бизга тенг келувчи кучнинг ўзи бўлмайди, ҳар қандай машаққат майдаланади.

Мен Наманганданги энг яхши суҳбатларда, энг қониққан учрашувларимда ана шу эътиқод тарафга очилган йўлларни ҳис этдим.

— Пахта меҳнати оғир. Баҳор дўллари, ёз офтобининг тиғи билан юзма-юз ишлаймиз. Аммо ўзимнинг халқим учун, ўз хирмонинг, хазинанг учун ишласанг, меҳнат ҳам роҳат бераркан, — дейди Мингбулоқ туманига қарашли Навоий номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Адолат Бегалиева.

Мен унинг Бибихонимлар, Қутлуғ Нигорхонимлардан мерос кийиқ кўзларига қараб туриб: «Адолат, мен сенга ишонаман! Ҳалол ишлашингга, обрў топаман, деб ҳалол хирмонингга ёлғон қўшмаслигингга, рақамларни атайлаб семиртирмаслигингга, борини бордай айтиб ҳам, эл орасида довруғ қозонишингга ишонаман», — дегим келади.

... Узоқларга кетибман. Азизу азим Тошкент кўчалари эса байрам безакларидан оловланади. Гул, дарахтлар учун бир кунга, шу шодиёна кун учун баҳор қайтиб келгандай. Яшиллик қуюқ. Ҳамма нарса ўзимникидай, ҳар яхшиликка ҳаддим сиғадигандай. Сўзлар қўшиқдай, овозлар мусиқадай:

— Оддий меҳнаткашнинг ўғли «Умид» жамғармаси совриндори бўлиб, Америкага ўқишга кетаяпти. Мустақиллик дегани шу-да, ахир!

— Кеча йўлдаги машиналарни санабман. Иккита «Дамас», тўртта «Тико», тўртта «Нексия»нинг орасида битта бошқа маркали машина ўтиб келади. Ўзингники, кўзингга оловдай кўринар экан. Шу кунларга етказганига шукр.

*Озод Ўзбекистон,*
*озод ўзбеклар,*
*Офтоб қучоқлаб*
*тушиб келар кўк.*
*Неки тирик бўлса,*
*қаддини тиклар,*
*Дунёда бундан ҳам*
*нурли унвон йўқ.*

*Унвонинг кўксингга*
*муборак бўлсин,*
*Ўғлингга, қизингга*
*муборак бўлсин,*
*Озодликдан келар*
*барча шавкатинг*
*Ўзбегим, ўзингга буюрсин!*

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА.**



***Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.***

* * *

***Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик. Бу жуда катта бойлик. Биз унинг қадрига етишимиз, кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз керак.***

**Ислом КАРИМОВ.**

### ЭЪТИРОФ

«Мен бундан ўн йил илгари ҳам Ўзбекистонда бўлган эдим. Лекин бу галги ташрифим чоғида Мустақиллик йилларида юртингиз нақадар ўзгариб, чирой очганлигини кўриб қувондим. Бундай ҳолни мамлакатингиз пойтахтидан тортиб, чекка қишлоқларида ҳам яққол кўриш мумкин. Биз меҳмон бўлган Фарғона водийси эса ўзининг гўзаллиги билан барчамизни мафтун этди. Уни таърифлаганларича бор экан».

**Иван ПОНОМАРЕНКО,**
**Украина халқ артисти.**

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

**1991 йил, 28 сентябрь. Тошкентда Алишер Навоий ҳазратларига ҳайкал қўйилиб, унинг номига боғ барпо этилди.**

* * *

**1993 йил, 31 август. Тошкентда соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

* * *

**1994 йил, октябрь. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги нишонланди.**

* * *

**1996 йил, 18 октябрь. Тошкентда Темурийлар тарихи Давлат музейи очилди.**

* * *

**1997 йил, 26 август. Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали очилди.**

* * *

**1997 йил, 19-20 октябрь. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тўйлари нишонланди.**

## «Халқобод» нинг тўйлари

Мустақиллигимизнинг етти йиллиги байрами арафасида Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигининг марказий қўрғони чиройли бўлиб кетди. Ички йўлларга асфальт ётқизилди. Муҳташам Маданият саройи қад ростлади.

Хўжалик бошқарувининг бир ишидан одамларнинг кўнгли яна бир бор осмон қадар ўсди. Гап шундаки, бу ерда байрам чинакам тўйларга улашиб кетди. Кетма-кет ўнта никоҳ, ўнта суннат ва яна ўнта пайғамбар тўйлари ўтказилди. Бу тўйларнинг аксарият харажатлари мева-сабзавот, пахта мойи кабилар жамоанинг номидан бўлди. Амударё соҳилидаги бу қишлоқ тўйларида янграган куй-қўшиқлар садоси узоқ-узоқларга таралди. Яна бир гап. Хўжаликнинг Ф. Абдуллаев бошлиқ бригадаси байрам кунлари давлатга пахта сотиш шартномасини ана-мана бажарай деб турибди. Халқободликларнинг, пахта ва ғалла етиштиришда шашти баланд. Улар сентябрь ойи ичида оқ дурдона етказиш бўйича шартнома режасини бажариб, бу воқеани ҳам катта тўй билан нишонлашмоқчи.

**О.УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Сарибел» болаларига тухфа

Конимех туманида турли миллат ва элатлар иноқ яшашади. Қорақалпоқлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Мустақиллик байрами арафасида уларнинг фарзандлари учун ажойиб совға тайёрланди. «Сарибел» жамоа хўжалигида дарслар қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактаб очилди.

**ЎзА.**

# КЕЧА ВА БУГУН

***Қизиқ, шу йилнинг биринчи кунидан бери ЕТТИ рақамини кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим. Еттинчи қаватда яшайман. Ишхонам еттинчи қаватда. Энг суйган куним ҳам ҳафтанинг еттинчиси. Балки ишонмассиз, Орол денгизига сув тушганини эшитган куни календарга қарадим — 7 июль экан!***

***Балки булар тасодифдир. Балки.... Не бўлганда ҳам ЕТТИда сир бордай, синоат бордай. «СИЗ-ЧИ, АЗИЗ ВАТАНДОШИМ, ОЗОДЛИГИМИЗНИНГ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЕТТИНЧИ ЙИЛИНИ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛАЯПСИЗ? КЕЧА ВА БУГУННИ ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ҚИЛАСИЗ? СИЗНИНГ ҲАЁТИНГИЗДА ЕТТИНИНГ ЎРНИ БОРМИ? БЎЛСА...» деб сўрадим.***

***Юртдошларимнинг жавоблари турлича. Бири ўзининг ҳайратини ошкора айтди. Бири...***

**Нурхон НАФАСОВ, республика каратэ миллий федерацияси президенти, V-ДАН «қора белбоғ» соҳиби:**

— Мен, умрида қишлоғидан ўзга ерни кўрмаган бир деҳқоннинг боласиман. Ҳозир отам хўрсиниб, менинг тушимгаям кирмаган воқеаларни сизлар гувоҳи бўляпсизлар, дейдилар.

Мана, собиқ империя замонида бирон бир давлатни кўрмовдим. Етти йил ичида дунёнинг ўттиздан зиёд мамлакатини кўрдим. Айниқса, Малайзия, Франция ва Африка, Германияда ўзим ва совриндор йигитларим она Ўзбекистонимиз байроғини ўпиб, юз-кўзларимизга суртганимизда хорижликлар ҳайратда қолди. «Кечагина озод бўлган давлат спортчилари қисқа вақт ичида дунёга қандай доврuқ солишяпти» дея ошкора айтишди ҳам. Очиғи, бу гапларни эшитиб, суюндик.

Ҳозир қирқ мингдан кўпроқ спортчилар билан юртимиз шавкатини таратиш учун куюняпмиз. Барибир, истасак-истамасак, спорт дунё дарвозаларини очар экан, шу боис ҳам Президентимиз доим раҳбарларни спортни ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга чорлайдилар.

Мен кечаги — тарихга айланган кунлардан сабоқ чиқариб айтмоқчиманки, эртага биз ёруғ юз билан борайлик. У кунлардан умидимиз катта. Ортимиздан дунёга бутунлай янгича нигоҳ билан қарайдиган ёшлар келаяпти.

**Шавкат ИСАНОВ, Олий Мажлис депутати, Пастдарғом тумани ҳокими:**

— Етти рақамида ҳикмат бор, десам ишонаверинг. Нега, десангиз мана бу йил, истиқлолнинг еттинчи довонида бизнинг туманда амалга оширилган ишларни санасам неча юзлаб еттилар етмайди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда рўй бераётган буюк ўзгаришлар олис Пастдарғомда ҳам ўз акс-садоларини бераётир.

Мен бир ҳақиқатни қувониб айтишим керак. Бу гапни йўлбошчимиз кўп таъкидлайдилар. Яъни одамларда янгича фикрлаш, янгича онг ва тафаккурни шакллантирмай туриб, юксак натижаларга эришиб бўлмайди. Худди шу маънода мен кўп одамлар билан учрашиб, сезяпманки, бугунги кунда юртдошларимизнинг дунёқарашлари бундан беш-олти йилги тасаввурдан кескин фарқ қилади. Энди улар ишлашнинг ҳам, яшашнинг ҳам ҳадисини олишди. Энди уларга «у қил, бу қил» деб ўргатиш шарт эмас. Аксинча, кўнглини кўтарсангиз бўлди, боши осмонда.

**Зариф БУРҲОНОВ, Китоб туманидаги «Китоб» деҳқончилик саноат фирмаси бош директори:**

— Халқимизнинг энг улуғ миллий байрамини ёруғ юз билан кутиб олаяпман. Ўзим боғбонман асли. Ота-бувамнинг қонида деҳқончилик, зироатчилик бор. Ахир, айтадилар-ку, бир дарахтнинг илдизлари мустаҳкамланиб, то сувга етиб, тўла ҳосилга киргунича бир йигит улғаяр эмиш. Мен Ўзбекистонни ана шундай улғаяётган улкан дарахтга ўхшатаман. Бу дарахт мевали, фазилатли дарахтдир.

Кечани сўрайсиз, эҳ, кечаги кунлари зўр-зўр дарахтларимиз бор эди. Кўпи кексайди, айримлари қуриди. Эътиборсизликдан, ўзибўларчиликдан қуриб кетди. Хайриятки, етти йил ичида кўзимиз очилди, боғларга эътибор кучайди. Буларнинг ҳаммаси аввало истиқлол туфайли, қолаверса, ҳукуматимизнинг боғдорчиликка эътиборни кучайтираётганлигидан.

Кеча бир кекса ишчимиз тўйига айтиб келди. Хўжаликнинг бошчисиман-да, сўрадим, қандай ёрдам керак, деб. Айтган гапини эшитиб, бошим осмонга етди. Ғалати бўлиб кетдим. «Шу тўйимизни атай Мустақиллик байрами арафасида ўтказмоқни ният қилувдим. Агар иложи бўлса, тўйхонамнинг устига Ўзбекистон байроғини ҳилпиратиб илиб қўйсам... Шунга нима дейсиз? Чунки бу бир менинг эмас, бутун эл-улуснинг тўйига уланяпти-да!»

Ана сизга одамларимизнинг соддагина қувончи. Ҳали-ку, етти йилда онгимиз шунча ўсди. Ўн-ўн беш йилликларда таниёлмай қоламиз.



Улуғ байрам юртимизда тўйларга уланиб кетаётгани қандай яхши. Куни кеча Қашқадарёдан қувончли хабар эшитдик. Сиз суратда кўриб турган ҳашаматли кошона пойтахтда эмас, олис Яккабоғ тумани марказида қуриб битказилибди. «Оқ олтин» пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти ташаббуси билан бунёд бўлган «Бахт уйи»нинг очилиш маросими катта тантаналарга айланди. Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова бошчилигидаги санъаткорлар гуруҳи қутлуғ тантана арафасида туман аҳлига байрамона кайфият улашди.

**Г. ҚОДИРОВ олган сурат.**

**Маҳбуба ЖАЛОЛОВА, Ширин шаҳридаги 2-мактаб муаллимаси:**

— Сирдарёга эндигина кўчиб келган йилларимизда жону-жигарларимизни соғиниб, она юртим — Фарғонага бордик. Ота уйимга кириб боришим биланоқ, ҳовлимиз ўртасида тўхтаб қолдим. Назаримда қандайдир ўзгариш содир бўлгандек эди. Синчиклаб қараб, кўзим тушгани шу бўлдики... бизнинг ва қўшниларимизга қарашли бўлган томорқанинг четида оппоқ пахталар очилиб ётарди!

— Далага яқин экан, деб бизнинг ерларгаям пахта экиб кетишди, болам, — дедилар онам.

Товушлари назаримда алланечук титрагандек туюлди. Мен уларни овутдим. У йиллар энди ортда қолди. Бугунни айтасизми, атрофга назар ташлаб, «пешонаси ёруғ халқ эканмиз» деб суюнаман. Ён-веримиздаги хонадонларни кузатарканман, ҳаммасида аввалгидан кўра жонланиш, янгиликка интилиш борлигини сезаман. Аслида буларнинг бариси истиқлол туфайлидир.

*... 1991 йилнинг сунбуласида Ўзбекистон осмонида қуёш чарақлади. Кузакнинг биринчи куни одамлар қайтадан дунёга келгандек кўз очдилар.*

*Йиллар шафқатсиз бўлади дейишади экан. Дўппимиз бир айлангунича етти йил ўтибди. Ишонгиси келмайди одамнинг. Ўтган етти йил ичида ёшимиз етти йилга ошган бўлса, руҳимиз, юрагимиз етмиш йиллик истибдод ҳақидаги бор ҳақиқатларни англаб етди. 1991 йилнинг охирларида Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошлардан бири билан суҳбатлашиб қолдим. У киши ватанимиз мустақиллиги ҳақидаги илк хабарни эшитганида 80 дан ошган кекса онаизори ҳушидан кетиб қолганини ва... ўзига келгач, «наҳотки Ўзбекистон озод бўлган бўлса, ҳеч ишонгим келмаяпти. Анави рўмолчада Ўзбекистондан олиб келинган тупроқ бор. Олиб юзларимга суринглар» дея ҳўнграб йиғлаганини айтиб берди...*

*МУСТАҚИЛЛИК, ИСТИҚЛОЛ, ОЗОДЛИК.... Юрагимизга тобора ботиб бораётган бу муборак сўзлар ҳар биримизнинг умримиз дафтарига зарҳал ҳарфлар билан битилаётир. Ким билади дейсиз, тарих саҳифаларида насиб этса, мустақиллигимизнинг ҳали эллик, юз йилликлари нишонланганда бу тупроқ яна қанча яшнар ва яшарар экан. Бу ёғини Яратганга қўйиб берайлик. Бизлар ўтаётган шу кунларда ёруғ тонгларни улуғлаб яшайлик.*

**Норқобил ЖАЛИЛ.**

## БАЙРАМОЛДИ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ИТАЛИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИДА «САМАРҚАНД»

Самарқанддаги археология институти олимлари Ўзбекистон ва Италия ўртасида имзоланган шартномага кўра «Суғдиёна — қадимда ва ўрта асрларда» номли илмий иш олиб бормоқдалар Италиядаги Ли Сепенса университети олимлари самарқандлик археологлар билан биргаликда Бухорода илмий изланишлар олиб боришмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, Италия телевидениесида «Самарқанд» номли махсус дастур бор. Унда Шарқ халқлари тарихи, санъати, маданияти намойиш этилади. Италияда «Самарқанд» номли қўшиқ машҳур.

**Гули ЧЕҲРА хабарлади.**

### БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

«Экосан» халқаро жамғармаси томонидан Мустақилликнинг 7 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Оила ва экология — болалар нигоҳида» мавзуидаги кўрик-танлов доирасида фестиваллар, қизиқарли учрашувлар уюштирилмоқда.

Яқинда Чорвоқдаги Амир Темур номли болалар оромгоҳида «Чорвоқ-98» экологик фестивали бўлиб ўтди. Бу тадбирга «Экосан»нинг Тошкент вилояти бўлими ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Тошкент шаҳар касаба уюшмаси, рус маданияти маркази ҳамда «Фестивал» интерклуби яқиндан ёрдам берди.

Мазкур фестиваль жамоатчилик, айниқса, болалар эътиборини экологик муаммоларга йўналтириш, боликни ҳимоя қилиш, болалар бадиий ижоди ва ҳунармандчилигини ривожлантириш руҳида ўтди.

Ғолиблар диплом ва фахрий ёрлиқлар, «Нестле», «Бешёғоч» фирмаларининг турли совғалари билан тақдирландилар.

**Г. ҲУСАНОВА.**

# ХАЛҚ ИФТИХОРИ



Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгандан сўнг бошқа соҳаларда бўлгани каби жисмоний тарбия ва спортда ҳам катта ютуқларга эришилди. Осиё ва жаҳон чемпионатларида, олимпия ўйинларида ҳамюртларимиз муваффақият билан қатнашиб, Ўзбекистонга шодашода медаллар келтиришди. Айниқса, профессионал бокс бўйича беш карра жаҳон чемпиони Артур Григорян, велоспорт бўйича жаҳон чемпиони Фотима Галиулина шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов, кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Олмос Юсуфов, ҳаваскор бокс бўйича бир неча халқаро мусобақаларнинг ғолиби Руслан Чагаевларнинг эришган ютуқлари Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшди.

Мамлакатимиз спортчиларининг мустақилликдан сўнг қўлга киритган ютуқлари бу рўйхат билан чегараланмайди. Волейболчиларимиз, сувда сузувчиларимиз, баскетболчиларимиз, чим хоккейчиларимиз ҳам қувонса арзийдиган ютуқларни қўлга киритганлиги рост. Юртдошларимизнинг истиқлолдан кейинги ютуқлари тўғрисида қувонч билан ёзганда, албатта, ҳукуматимизнинг жисмоний тарбия ва спортга нисбатан кенг ғамхўрлигини ҳам эътироф этмай илож йўқ. Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги футболни ривожлантириш ҳақидаги қарорлар бугун ўз маҳсулини бермоқда.

Сирасини айтганда, қисқа давр ичида спортчиларимизнинг довруғи етти иқлимга кетди. Яқингинада ногирон футболчиларимиз жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади. Каратечиларимиз Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё кубоги мусобақасида 40 та олтин медалга эга бўлишди. Юртимизда 1994 йилдан буён давом этиб келаётган теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро мусобақасида дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан энг кучли теннисчилар қатнашиб келмоқда. Бу йил унинг умумий мукофот фонди 500 минг АҚШ долларига етди. «Сатилет», «Буюк ипак йўли», «Челленжер» мусобақалари ҳам Ватанимиз обрўсини янада оширмоқда. Терма командамиз машҳур Девис кубоги баҳсларида шу кунга қадар бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаганлиги, республикамизда қад ростлаётган муҳташам теннис кортларининг кўпайиб бораётганлиги, юртимизда спортга эътибор тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўтган етти йилда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида дунёга ном чиқаришида, албатта, жисмоний тарбия ва спортнинг ҳам ўрни беқиёс бўлди. Энг муҳими, дунёнинг энг номдор чемпионлари ҳам бизникилар билан ўйлашиб баҳслашадиган бўлишди.

**Нормурод МУСОМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Диққат: премьера!
# «ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР»

Тарихимизнинг ўқилмаган, очилмаган саҳифалари кўп. Уларни ёритиш, халққа тушунтириш санъат аҳлининг муҳим вазифаларидан биридир. Бу борада кино усталаримиз томонидан ҳам қатор ижодий изланишлар олиб борилаяпти. Чунончи, таниқли кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов яқинда суратга олган «Отамдан қолган далалар» бадиий лентаси фикримиз далилидир.

Таниқли ёзувчи Тоғай Муроднинг шу номдаги асари воқеаларини жонлантирган мазкур икки қисмли фильмда халқимизнинг юз йиллик тарихи, деҳқонлар авлоди бошига тушган мусибатлар тасвирланади. Халқимиз тақдири учун ўз жонини фидо қилган, енгиб бўлмайдиган кучларга қарши бош кўтарган қаҳрамонларимиз фильмда тўлақонли акс эттирилган. Режиссёр Шуҳрат Аббосов бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

— Республикамиз мустақилликка эришгандан кейингина «Отамдан қолган далалар» асарига қўл уриш имконияти туғилди. Россия империясининг шовинизм сиёсати натижасида қанча-дан-қанча ўғлонларимиз қурбон бўлди. 1868 йилда Скобелев Фарғона водийсига бостириб кирганда, Фарғонани забт этиб, ўзбекларни бўйсундирмоқчи бўлиб, масжидларга ўт қўйган, тўпга тутган, ватанпарвар йигитларимиздан кўпларини отиб ташлаган, баъзиларини Сибир тарафларга қатағон қилдирган эди. Бу Ватанимиз тарихининг қонли, фожиавий саҳифаларидандир. Фильмимизда бир деҳқон авлодининг тўрт вакили ҳаёти орқали халқимиз тақдирини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Фильмдаги асосий ролларни Машраб Кимсанов, Ҳошим Арслонов, Улуғбек Муҳаммадкаримов, Тўти Юсупова, Солиҳа Раметова, Аъзам Шокиржонов каби актёрлар ижро этишган.

Сценарий матни Маҳмуд Тўйчиев ва Шуҳрат Аббосов қаламига мансуб. Оператор Ринат Галиев тасмаларга муҳрлаган воқеалар ғоят ҳаяжонли ва таъсирчан.

«Отамдан қолган далалар» бадиий фильми мустақиллигимизнинг 7 йиллиги муносабати билан экранларга чиқарилмоқда ва у киномухлислар томонидан муносиб кутиб олинади, деган умиддамиз.

**Жамила АСАДОВА.**

# Ўқувчилар қувончи

Мамлакатимизда истиқлол шодиёналари бошланиб кетди. Халқ таълими ходимлари бу қутлуғ муборак санани қўшалоқ байрам сифатида нишонлаяптилар. Улар янги ўқув йилига ҳам қизғин ҳозирлик кўришди.

Тайлоқ туманидаги Сочак қишлоғи аҳолисининг қувончи чексиз. Бу ерда яшовчи болалар ўқув йилини 840 ўринли мактабда бошлайди. Янги илм маскани замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Унда ўқувчиларнинг пухта билим олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган.

Янги мактабнинг очилишида вилоят ҳокими А. Мардиев қатнашди.

**Ҳ. ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Кунларнинг бирида

## АГАР ОТА ЎҒИЛ БЎЛСАНГ...

Адамлар, бону ва мен суҳбатлашиб ўтиргандик. Бирдан у киши юзларига ўта жиддий тус бериб, менга мурожаат этдилар:

— Келинимни худди қизимдек ардоқлашимни биласан. Агарда сен чиндан ҳам ота ўғил бўлсанг, маслаҳатим шу: бону нима десалар қулоқ қоқмай хўп бўлади, дейсан...

Очиғи, аввалига бу гапнинг тагида нимага шаъма қилинаётганини унча англолмай у кишига тикилганимча туриб қолдим. Бонуга қарадим, бирам яйраб-бирам яйраб ўтирардиларки, асти қўяверасиз, худди «бу сўзларни қулоғингизга исирға қилиб илиб олинг», дегандек. Кўзлари мамнунлиқдан ёнарди. Адамлар ҳар иккимиздаги ҳолатни бироз кузатганларидан сўнг гапларини давом эттирдилар.

— Тушундинг-га, «хўп бўлади» дейсан...

Мен икки қўлимни кўксимга қўйиб итоатли фарзанд сифатида бўйнимни эгган ҳолда: «хўп бўлади» деб турдим.

— Илло, — дедилар-да яна бир бор мени ва бонуни кўздан кечирдилар. — Хўп бўладини дейишга дейсан, илло, ота ўғил деган ўз билганича иш тутади. Буни билиб қўй!

Ҳаммамиз қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордик, бону кўз ёшларини артар экан: «Адажон, насиҳатни яхши бошладингиз-у, лекин охирини бўшаштириб юбордингиз-да» дея олди, холос.

## МУШКУЛ ЖУМБОҚ

Бону қайси бир қариндошларимизникига кетган эди. Пешинда тамадди қилгани одатдагидек уйга келдим. Қизларимдан «опанг келмадими?» деб сўрабман. Кечқурун ишдан сўнг уйга келиб, салом-аликдан сўнг яна ўша саволни қайтарибман. Ўша куни бону келмади, борган ерида ётиб қолибди. Эрталабки нонушта пайтида «...онанг келмади-я» депман. Буларнинг барини раҳматли адамиз кузатиб турган эканлар. Бир вақт мендан:

— Бир топишмоқ бор, айтсам топасанми? — деб сўрадилар.

— Тополмасак шаҳар берамиз-да.

— Бўлмаса мана бундай: бор бўлса ҳам туролмайсан, йўқ бўлса ҳам туролмайсан, қани топчи, — шундай дедилар-да кулимсираган холда менга тикилиб қолдилар.

Ўйланиб қолдим, ҳа деганда жавоб бўлавермагач, «шаҳар бердингми?» деб сўрадилар. Бошимни қимирлатиб тасдиқ ишорасини билдирдим.

— Қарасам, кўчадан келишинг билан бонуни сўрайсан. Ҳаёт қизиқ экан, киши шунақа бўлиб қоларкан. Ёнингда бўлса, ҳали унақа, ҳали бунақа, деяверасан. Бирор ерга кетган бўлса, ҳа деб сўрайверасан. Бор бўлса ҳам туролмайсан, йўқ бўлса ҳам туролмайсан, деганимнинг боиси шунда.

Ота-бола мириқиб кулдик. Ўшандан бери 30 йил ўтди. Раҳматли адамларнинг айтган гапларини тез-тез ёдга олиб турамиз. Қанчалик ҳақ гап.

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ.**

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

**1992 йил, январь.** Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ташкил топди.

**1993 йил, 4 март.** «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.

**1993 йил, декабрь.** Ўзбекистон Футбол федерацияси ФИФАга қабул қилинди.

**1995 йил, апрель.** Профессионал боксчи Артур Григорян бутун жаҳон бокс ташкилоти таъсис этган қитъалараро чемпионлик унвонини қўлга киритди.

**1997 йил, 7 январь.** Иқтидорли ёшларнинг чет элдаги нуфузли ўқув юртларида билим олишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Шу йилнинг 30 декабрида эса «Устоз» республика жамғармаси тўғрисида ҳукумат қарори чиқди.

*«Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди».*

**Ислом КАРИМОВ.**



## ЭЪТИРОФ

Ўзбекистонликлар мусобақа ташкиллаштиришни, спортчиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни қойил-мақом қилишади. У ерда теннисга нисбатан яратилган шароит ҳеч бир давлатдагидан қолишмайди. Кортлари ажойиб, ҳавас билан ўйнасанг арзийди.

Ўтган йилги мусобақада мамлакат раҳбари Ислом Каримовнинг ўзи қўлимни сиқиб, биринчи ғалабам билан табриклаганлиги кўнглимни кўтариб юборган эди. Шу кеча-кундузда тошкентликлардан Олег Огородов, Темир Хонхўжаев, Андрей Томашевичларнинг ўйинларини кўриб яқин орада Ўзбекистондан ҳам машҳур теннисчилар чиқишига ишонч ҳосил қилдим. Улар Девис кубоги мусобақаларида ҳам маҳорат билан қатнашмоқда.

**Евгений КАФЕЛЬНИКОВ,**
**Дунёнинг тўртинчи ракеткаси.**

## ВАТАННИ СЕВ...

*Инсон учун муқаддас ер —*
*ҳар гўша,*
*Фарзанд бўлсанг,*
*халқинг билан бўл, яша,*
*Хизмат айла қалбинг*
*билан ҳамиша,*
*Ватанни сев, Ватанни сев,*
*Ватанни!*

*Нигоҳингда кенг бу*
*олам айланар,*
*Меҳр қўйсанг*
*юрагингга жойланар,*
*Муҳаббатдан диллар*
*дилга бойланар,*
*Ватанни сев, Ватанни сев,*
*Ватанни!*

*Қалбдан қутла ҳур*
*ўлкамнинг тонгини,*
*Дилга жойла*
*камалакнинг рангини,*
*Оламга ёй озод меҳнат бонгини,*
*Ватанни сев, Ватанни сев,*
*Ватанни!*

*Бугуни ҳам,*
*келгуси ҳам — бизники,*
*Қайғуси ҳам,*
*кулгуси ҳам — бизники,*
*Тумани ҳам,*
*ёғдуси ҳам — бизники,*
*Ватанни сев, Ватанни сев,*
*Ватанни!*

*Бошга кўтар азиз элинг мардини,*
*Кўзингга сурт тупроғини —*
*гардини,*
*Меники де шодлигию дардини,*
*Ватанни сев, Ватанни сев,*
*Ватанни !*

*Ул инсонми асрамаса диёрин,*
*Ишқ, вафога ўролмаса ўз ёрин,*
*Нарзий тутар наво*
*айлаб ашъорин,*
*Ватанни сев, Ватанни сев,*
*Ватанни!*

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ.**

# «КАМОЛОТ-САЛОМАТЛИК» МАРКАЗИ

*«Камолот» республика ёшлар жамғармасининг Наманган вилоят бўлими ўз фаолияти соҳасини кенгайтирди. Унинг қошида «Камолот-саломатлик» илмий-тиббий маркази очилди.*

*Ушбу марказни барпо этишнинг асосий мақсадларидан бири — аввало ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, даволаш-соғломлаштириш тадбирларини ўтказишдир. Янги марказ бу ерга мурожаат қилган ҳар бир кишига ёрдам қилади. Асосий эътибор турли хасталикларнинг, айниқса, юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилади.*

*Янги марказда даволаш ноанъанавий, яъни дори-дармонсиз ўтказилади. Бу ердаги шифокорлар асосан керамик нур манбаидан таралadиган инфрақизил нурлар ёрдамида турли касалликларни даволайдилар ва хасталанишнинг олдини оладилар. Бу ноёб ва самарали даволаш усули тошкентлик олим Рустам Раҳимов томонидан ишлаб чиқилган ва Германияда патентланган.*

*Марказ ташхис ва даволашнинг бошқа замонавий усулларини ҳам қўллашни назарда тутмоқда.*

**Н. ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**




950


*Ўзбекистон Бадиий Академияси рассомлик коллежида мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» республика бадиий кўргазмасининг очилиш маросими бўлди.*

# РЕСПУБЛИКА БАДИИЙ КЎРГАЗМАСИ

*Маълумки, Бадиий Академия, республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси қутлуғ байрамга атаб «Энг улуғ, энг азиз» танловини эълон қилган эди. Унда ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, рассомлар, суратчи ва дизайнчилар ўзларининг энг яхши асарлари билан қатнашди. Вилоятларда бу танлов кўргазма шаклида ташкил этилиб, уларда маҳаллий рассомлар, амалий санъат ва ҳунармандчилик намояндаларининг ижоди намуналари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Энг сара асарлар республика бош кўргазмасига йўлланма олди.*

*Бош кўргазмага икки юздан кўпроқ ранг-тасвир, график, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат асари қўйилди. Ўзбекистон халқ рассомлари Малик Набиевнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Мустақил Ўзбекистон», Алишер Мирзаевнинг «Оила», «Менинг юртим», Рўзи Чориевнинг «Шаршара» асарлари томошабинларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда.*

*Маросимда танлов ғолибларига диплом ва мукофотлар топширилди.*

**(ЎзА).**

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0329, 27353 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОРАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррирлар — И. Ўтбосаров, О. Раҳимов.
Навбатчилар — Ш. Каримов, И. Тошев,
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 01.25 1 2 3 4 5 6